«...Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги таракқиёт юз берди».

Ж.Неру

Ўзбек муסיқашунослигида муסיқа санъатининг халқлар ижодиётини ўрганиш масалаларига доимо катта эътибор билан ёндашиб келинган. Маълумки, ўзбек миллий маданияти билан муайян уйғунлик сифатларига эга бўлган жиҳатлар нафақат муסיқий, балки адабий меросда ҳам ўз аксини топган. Халқлар ўртасидаги маданий алоқалар натижасида амалий жараён ўз ўрнини топиб, энг ардоқли ва мос жиҳатлари «миллийлик» мезонларига уйғунлашиб кетган. Шу нуқтаи назардан доимо, муסיқа санъатининг ўтмишдан турли жиҳатлар негизида шаклланиб, халқлар маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган ислохотларни илмий тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутиб келган.

Муסיқа қадим замонлардан халқлар орасида ривожланиб келган, устоз созандалар томонидан яратилиб, авлодлар оша бизгача етиб, инсонлар маънавияти юксалишига хизмат қилиб келаётган санъат намунаси дир. Унинг инсон камолотидаги хизмати ўтмиш алломаларнинг ижод намуналарида, илмий тадқиқотларда, яратилган манбалар орқали ёзиб қолдирилган. Алломаларнинг муסיқани англаш хусусида унинг ижро этилиши тартибини амалий изоҳлаб бериши туфайли бугун биз муסיқа санъати, унинг таракқий этиш жараёнини тасаввур эта оламиз. Дунё халқларининг муסיқий ижодиётига бўлган юксак қизиқиш ва муסיқа санъатига бўлган доимий эътибор, бизнинг ҳудудда ҳам юксак кадр топа олган. Бунга ёрқин мисол муסיқий меросимиз дир. Қадимий ва улкан маданиятга эга бўлган ҳинд халқи тарихида, Бобурийлар даври алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, XVI-XVIII асрлар дунё маданияти ривожига улкан янгиликлар даври бўлди дейиш мумкин. Бобур ўзининг дунёқараши, маданияти ва эътиқоди ила ҳинд халқи маданий ҳаёти ривожига таъсир эта олди ва унинг кейинги авлоди томонидан муносиб давом эттирилди. Айниқса, жаҳон маданияти ривожига ва илм хазинасига улкан ҳисса қўшгани жуда қадрли дир. Адабиёт, меъморчилик, миниатюра

ва айниқса мусиқа санъати йўналишларида алоҳида оламшумул натижаларга эришилди ва албатта ривожланиш жараёнида Эрон, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг таъсири беқиёс эканлигини эътироф этиш лозимдир.

Бобурийлар даври мусиқа маданияти қисқа вақт ичида ўзига хос тарзда шакллана бошлаган.

Қадимий ҳинд халқи анъаналарининг энг гўзал намуналари, Бобурийлар ўзлари билан олиб келган қадриятлар билан уйғунлашиб, янги даврнинг бошланишига сабаб бўлган дейиш мумкин.

Мусиқа инсон руҳиятига хизмат қилувчи воситадир. Бобурийлар даврида юзага келган мусиқий муҳит ҳам айнан шуни кўрсатади. Ҳинд мусиқий меросининг мумтоз намунаси рагалар йўлида Ўрта Осиё халқлари мусиқий анъаналари уйғунлигида ўзига хос ижод намуналарини юзага келганлиги бунга ёрқин далилдир. Халқлар маданиятларининг муштараклигини биз иборалар, созлар, эътиқод, адабиёт ва ижро анъаналарида мужассам топганлигини кўрамыз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур – бобурийлар сулоласига асос солган буюк саркарда, беназир шоир, адолатли шоҳ, ўз даврининг маънавий етук шахсларидан бири ҳисобланади. У санъат ва адабиётга қизиққан, туркий ва форсий тилларда шеърлар битган шоир эди. Бобур давлати асосан илм-фан, маданият ва маърифат кучига асосланган.

Илмга ва маънавий қадриятларга, тафаккурга асосланмаган давлат ва жамиятнинг истиқболи йўқлигини Бобур ҳаммадан кўра аниқ ва чуқурроқ тушунган. Бобурнинг асарлари, маънавият, одоб ахлоққа оид ўғитлари ва таълимотида давлатни бошқариш, халқ билан муомала қилишда илм-маърифатнинг аҳамияти бебаҳо эканлигини қайд этган.

Бобур Ҳиндистонда 1526 йилдан 1530 йилга қадар ҳукмронлик қилган. Ҳиндистонга шоҳ бўлгач, ўзи билан янгича ҳаёт тарзини, исломий тамаддунни олиб келди.

Бобурнинг мусиқа санъатига бўлган муҳаббати жуда ҳам юксак даражада бўлганлигини ҳамда мусиқа соҳасида керакли билимга эга эканлиги хусусида маълумотлар бир қатор тарихий манбаларда баён этилган.

Унинг саройида салтанат пешволари ҳамда сарой аҳлига махсус санъаткорлар дастаси хизмат қилган.

Бобур ўзининг дунёқараши, маданияти ва эътиқоди ила ҳинд халқи маданий ҳаёти ривожига таъсир эта олди ва унинг кейинги авлоди томонидан муносиб давом эттирилди. Айниқса, жаҳон маданияти ривожига ва илм хазинасига улкан ҳисса қўшгани жуда қадрлидир.

Адабиёт, меъморчилик, миниатюра ва айниқса мумтоз мусиқа санъати йўналишларида алоҳида оламшумул натижаларга эришилди ва албатта ривожланиш жараёнида Эрон, Ўрта Осиё халқлари маданиятининг таъсири беқиёс эканлигини эътироф этиш лозимдир.

Ҳумоюншоҳ даври. Бобурийлар сулоласининг давомчиларидан бири, Бобурнинг фарзанди Ҳумоюннинг ҳам мусиқага бўлган мухаббати, ҳаваси юксак бўлган. Унинг саройида «Аҳлэ мурод», яъни махсус ҳордиқ чиқарувчи маскан ташкил этилган. «Аҳлэ мурод» махсус маданий ҳордиқ чиқариш маҳкамасининг арбобларидан иборат бўлиб, улар подшоҳнинг ишончли, илмли, диндор кишилари эдилар¹.

Ҳумоюн подшоҳ саройида Мавлоно Базми, Соқидароз, Ҳофиз Меҳди Баковули, Тўфон-найчи, Боязид-карнайчи, Муҳаммаджон-қонунчи, Мастурбек Баққол, Мулла Тоҳир Бухори каби жуда ҳам кўп хонанда ва созандалар хизмат қилишган.

Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асаридан Ҳумоюншоҳ давридаги мусиқий анъаналар, уюштирилган мусиқий базмлар борасида қисқача бўлсада маълумотга эга бўлишимиз мумкин. «Ҳумоюннома»да маданият ва санъатга бўлган муносабат ҳам маълум даражада қаламга олинган. Лекин, умумий таъриф билан чегараланган.

Акбаршоҳ даври. XVI асрнинг иккинчи ярмида бобурийларнинг йирик намояндаларидан бири ҳисобланган Ҳиндистон ҳукмдори, нодир сиёсатчи Акбаршоҳ Ҳиндистон шароитида бутун халқни бирлаштириш орқалигина давлатда ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш мумкинлигини яхши тушунган.

Ҳиндистон давлатига 50 йил ҳукмронлик қилган (1556-1605) Бобурнинг набираси Акбаршоҳ даврида мусиқа санъати ривожига бўлган эътибор алоҳида аҳамият касб этган. Чунки, Бобурийлар давридаги мусиқа санъатининг гуллаб яшнаши айнан Акбаршоҳ салтанатига тўғри келди. Йигирма ёшли Акбарнинг мусиқа соҳасида билимдон бўлишига ишониш қийин. Лекин «Жавоҳирлар қадрига подшоҳлар ета олишади» деган мақолга биноан Акбаршоҳ ўз саройининг зебу зийнатини янада ошириши учун машҳур хонанада ва созандаларни, шоир ва адибларни ўз салтанатига жалб қилиб, уларга ҳомийлик қилди. Жумладан: «Унинг саройига кириш жойида 60 та ижрочидан иборат оркестр жойлашиб ижро этишга мосланган жой бўлган. Ижрочилар оркестр таркибидаги ҳиндлар, эронийлар, кашмирликлар ва турклардан иборат бўлган. Кейинчалик оркестрнинг таркибига яна 36 та ижрочи созандалар қўшилган».²

XVI аср ҳукмдори буюк Акбаршоҳ саройида рамзий маънода «Nava Ratna» ёки «Тўққизта қимматбаҳо тош»лар бўлгани қайд этилади.

Қайд этиш жоизки, Бобурийлар даври нафақат ҳинд маданиятига, балки унинг Ўрта Осиё ва бошқа халқлар билан алоқаларига муносиб ҳисса қўшишга муяссар бўлган. Бобурийлар салтанатининг халқлар ҳаётига, қадриятларни улуғлаши, эътиқод билан дунёвий-ҳаётий

¹ Атҳар Аббос Ризви. Ҳиндистон мўғиллар (Бобурийлар) даврида, 389 б. (Тарж. З.Насуллаев).

² The music of India by Reginald & Jamila Massey. –New Delhi, Abhinav Publikations 1996. –P. 49.

мезонларни муштарак ҳолга келтиришдаги ҳаракатлари, илм-фан тараққиёти йўлида доимо ҳайрихоҳ бўлиши, маданият ва санъатни ҳаёт билан ҳамнафас ривожига эътибор бериши ана шундай кудрат эгаси бўлишга асос бўлди десак, адашмаган бўламиз.

Бобурийлар сулоласининг ҳар бирининг даври тарих зарварақларида, ўзига хос кашфиётлар билан, юксак маданиятни авайлаб-асраб муносиб ҳолда давом эттирганлари билан муҳрланди. Дунё тамаддунига оламшумул иншоотлари билан, қолдирган маданий ва адабий мероси билан ўз хиссасини қўшди. Ҳинд ва мусулмон элларининг муносабатларини доимий ривожланиши учун беназир хизмат қиладиган удумларни анъанага айлантирди. Ўзбекона ва ҳинд маданияти уйғунлигида ҳинд мусиқа санъати мавжуд анъаналар, янги-янги чолғу ва жанрлар билан бойиди. Умум ҳинд маданияти ривожига эса сўнмас из қолдирди.

Л.А.Абдураимова
*преподаватель кафедры
общего курса фортепиано ГКУз*

ЛУИ АРМСТРОНГ ЛЕГЕНДАРНЫЙ ДЖАЗОВЫЙ МУЗЫКАНТ XX ВЕКА

В истории джазового искусства выдающейся американский трубач, вокалист Луи Армстронг (1901-1971) занимает одно из почетных мест. «История Луи Армстронга – отмечал исследователь джаза Юнг Панасье, – это в какой-то мере история джаза»¹. И, действительно, в творческом пути этого легендарного музыканта как в зеркале отображаются этапы становления и развития американского джаза.

На заре XX века на юге США в Новом Орлеане в афро-американской семье родился Луи Армстронг, который со временем стал самым великим и любимым джазовым музыкантом в мире. Это было время, когда родной город Армстронга заливало море музыки. Повсюду были оркестры: марш-оркестры, танцевальные оркестры. Музыка звучала на свадьбах, пикниках, вечеринках. Устраивались музыкальные состязания, открывались музыкальные магазины – и всё это делалось просто для удовольствия, которое так высоко ценилось всеми жителями Нового Орлеана. В такой атмосфере рос Луи, и в конце концов в возрасте десяти лет он и трое его друзей организовали квартет и стали петь на улице. Особенно отличался Луи, с его великолепным музыкальным слухом и острым чувством гармонии и ритма.

¹ Панасье Ю. История подлинного джаза. –Л., 1978. –С. 38.

По всему Новому Орлеану люди складывали новую музыку – активную и полную жизни, непохожую ни на что из того, что было раньше. Ближайшим её предшественником был рэгтайм, синкопированные мелодии, которого захлестнули США в конце 1890-х годов. Но изобретательные новоорлеанские музыканты не могли этим ограничиться. Они стали вплетать в эти рэгтаймы мелодии блюза, духовные гимны, спиричуэлс, народные мотивы, песни, марши и даже отрывки из опер и классических произведений оркестровой музыки. Под всем этим прослеживался ведущий ритм рэгтайма. Эта новая музыка в то время не имела названия, её называли то рэтти, то гат-бакет, а впоследствии джаз.

Однако, чем бы не являлась эта новая музыка, она прочно утвердилась в Новом Орлеане, и Луи Армстронг полюбил её. И получилось так, что джаз навсегда изменил музыку, а Луи Армстронг навсегда изменил джаз. Его кумиром в юности был трубач Джо Оливер Кинг. Луи следовал за Оливером во время парадов-шествий, неся футляр от его инструмента, что почиталось за честь в среде молодых музыкантов. Оливер стал спонсором и учителем, подарил Армстронгу корнет, предоставлял работу в лучших оркестрах города. «Он истратил на меня уйму времени. Если кто и заслуживает уважения, то это, в первую очередь: Джозеф Кинг Оливер. Это человек, которому я обязан всем тем, чего достиг в мире свинга, хот-джаза и любой другой музыки джаза, как бы её не называли. Джо обычно считал меня своим сыном и, действительно, он всегда поступал так, как будто был моим отцом»¹ – вспоминал Л. Армстронг.

В 1918 году следуя рекомендации Оливера выдающийся тромбонист Кид Ори пригласил в свой оркестр Армстронга, который оправдал и превзошёл все ожидания своего учителя. Услышав игру Луи, в 1919 году Фэйт Мэрэбл пригласил его в свой оркестр, работающий на борту парохода «Сидни», который курсировал по Миссисипи с отплытием из Нового Орлеана. Этот важный период жизни Луи Армстронга увенчался успехом. Один из музыкантов оркестра Дэвид Джонс обучил его нотной грамоте и вскоре Луи мог играть с листа всё, что давали ему Мэрэбл. Что касается сольной игры, то здесь ему не было равных: его импровизации были потрясающими находками.

Вернувшись в Новый Орлеан Луи устроился трубачом в «Духовой Оркестр Таксидо». Игра его становится всё более совершенной. Он постоянно стремился обновлять музыку и наполнять её собственными идеями. В 1922 году Оливер пригласил его в Чикаго. Луи с радостью принял предложение стать вторым трубачом оркестра.

Креольский джаз-банд Оливера считался лучшим оркестром в Чикаго, а может быть, и во всей Америке. Выступая в составе оркестра Луи Армстронг играл всё совершеннее, он начал направлять джаз в то русло, по

¹ Цит. по: Гилев С. Беседы о джазе. –Т., 2008. –С. 16.

которому, по его представлениям, он должен был развиваться. «Импровизации Луи, от которых захватывало дыхание, и его каденции свежей чеканки были чем-то большим, нежели просто искусство, они «тянули» на новый музыкальный жанр»¹.

Начиная с 1923 года Армстронг стал регулярно записываться на пластинки, сначала с оркестром Оливера, затем с оркестром Флетчера Хендерсона в Нью-Йорке. «Значение этих записей невозможно переоценить, потому что они открыли американским музыкантам и серьёзным поклонникам джаза, что представляла собой эта новая музыка».² Пластинки тех лет до сих пор имеют исключительную ценность для джазменов и любителей джаза всех стран.

В то же время Армстронг записывается на пластинки с великими исполнительницами блюзов Ма Рэйни, Альбертой Хантер, несравненной Бесси Смит. «Сотрудничество Армстронга и Бесси Смит, – отмечал Джеймс Линкольн Коллиер, – представляет собой одну из вершин исполнения блюза».³

Возвратившись в Чикаго Армстронг создал группу под названием «Луи Армстронг и его Горячая пятерка». Несколько лет эти музыканты делали совместные записи, позже они пригласили ещё двух исполнителей и стали называть себя «Горячей семеркой». По мере проведения сеансов записи, Армстронг все больше опирался на свои собственные находки, используя внутренний гармонический строй мелодии как основу для своей развернутой импровизации. В то же время он играл с таким неподражаемым по богатству свингом, какого не мог добиться никакой другой исполнитель джазовой музыки. Музыка, которую оркестр Армстронга исполнял была не просто необыкновенной, она изменила саму историю джаза.

«Пять дюжин пластинок, обычно выходивших под названием «Горячая пятёрка Луи Армстронга» – пишет Коллиер, – составляют один их важнейших компонентов американской музыки, сохранившейся в записи... По всей стране музыканты были захвачены тем, что делал Армстронг, и стремились делать то же самое».⁴

В 1926 году пианист Эрл Хайнз пригласил Армстронга в оркестр Кэрола Диксона. Луи согласился, и это было ещё одной из своевременных перемен в его жизни. Руководство оркестра уволило Диксона и переименовало группу в «Луи Армстронг и его Стомперы». Кроме того, что здесь Армстронг был звездой, он оказался среди людей, которые ценили и приветствовали его вокал. «Стиль его вокала отличался той же спонтанностью, которой сверкали его соло на трубе, – говорил Сэм

¹ Бергрин Л. Луи Армстронг: экстравагантная жизнь // <http://www.jazz.ru>

² Коллиер Дж.Л. Луи Армстронг: Американский гений // <http://www.jazz.ru>

³ Там же.

⁴ Там же.

Таненхауз, – Армстронг не просто пел, он рычал, переходил на речь и разбрасывал целые наборы замысловатых острот подобно тому, как мотор на форсаже разбрасывает искры. Он без усилия превращал мелодию в свою «частную собственность».¹ Коллиер писал: «Пение Армстронга, бесконечно музыкальное, творческое и совершенно оригинальное по своей концепции, всегда является источником наслаждения. Никто ещё так не исполнял и никто больше так не исполнит популярные песни. Помимо, классических исполнителей блюза, Армстронг, безусловно, был величайшим из когда-либо существовавших джазовых певцов...»². Необходимо отметить, что Л.Армстронг использовал голос как инструмент, первым ввёл в обиход вокально-словную импровизацию (скэт). «Пению Луи, – подчеркивал Ю.Панасье, – свойственное та же выразительная сила и грандиозная интонация, то драматическая, то ликующая, что и его игре»³.

В 1928 году Армстронг переехал в Нью-Йорк по приглашению продюсера Томми Роквелла, который устраивал ему ряд выступлений в танцевальных клубах Гарлема «Саввой» и «Кони Инн». Его мощное выступление в этих клубах вывело его на Бродвей в театр «Хадсон».

В 1931 году Армстронгу предложили его первую роль в кино, где он играл и пел. За время своей карьеры он снялся без малого в сорока фильмах, лучшими из которых были «Хижина в небе» (1943), «Молодой человек с трубой» (1950), «История Глена Миллера» (1954), «Парижский блюз» (1961) и «Хэлло, Долли!» (1969).

В 1932 году Армстронг подписал гастрольный контракт на ряд концертов в Европе, принесших ему всемирное признание. В июле он отправился в Англию, где его выступление вызвало огромное воодушевление публики. Ведущий джазовый журнал страны «Мелоди Мэйкер» в своем обзоре, посвященном этой премьере, назвал Армстронга «уникальным явлением, магнетически привлекательной личностью, несомненно, самой великой из всех, кого до сих пор присылала нам Америка». В Лондоне его называли «Цветной король трубы», а ещё он получил здесь новое прозвище. Армстронг часть говорил о себе «Satchelmouth» – «Рот – кошёлка», имея в виду свою широчайшую улыбку. Английский журналист услышал это слово как «Сачмо» и в таком виде его напечатал. Армстронгу это так понравилось, что с тех пор он так и стал себя называть.

Армстронг с огромным успехом выступал во Франции (Париж), Италии, Швейцарии скандинавских странах, и везде за ним следовали фанаты джаза. В 1935 году Луи вернулся в Америку. Он записывал пластинки, снимал фильмы, вёл радиопередачи, опубликовал в 1936 году

¹ Таненхауз С. Луи Армстронг: Музыкант // <http://www.jazz.ru>

² Коллиер Дж.Л. Луи Армстронг: Американский гений // <http://www.jazz.ru>

³ Панасье Ю. История подлинного джаза, с. 44.

автобиографическую книгу: «Это музыка – свинг» (более позднее издание вышло в 1954 году под названием «Сачмо: моя жизнь в Новом Орлеане»), ездил с гастрольями по стране. В 1937 году была создана группа «Луи Армстронг и все звезды» с которой Луи гастролировал по стране и за рубежом. Он был на вершине славы, настолько популярен, что Госдепартамент США отправлял его в заокеанские поездки в качестве посла доброй воли. Огромные толпы народа приветствовали музыканта во время турне по Европе, Южной Америке, Японии, Австралии, Африке. В Гане, во время концерта на открытом воздухе присутствовало более ста тысяч человек.

В декабре 1963 года Луи со своей группой «Армстронг и все звезды» записал песню «Хэлло, Долли» из мюзикла с тем же названием. Премьера мюзикла, состоявшаяся в январе 1964 года, произвела потрясающее впечатление. В начале 1971 года здоровье Армстронга стало ухудшаться и пятого июля он скончался.

В своем фундаментальном труде «Становление джаза» Дж.Л.Коллиер посвятил Армстронгу специальную главу, в которой задался вопросом и ответил на него: «В чем же неповторимость игры Армстронга? Прежде всего в виртуозном владении инструментом. Его тон во всех регистрах был тёплым и насыщенным как мёд. Его атака – мощной и чистой. Там где многие джазовые музыканты, играющие на духовых инструментах демонстрировал на фоне легато нечёткое, расплывчатое стаккато, Армстронг мгновенно извлекал звук, остро как бритва. Его вибрато было широким и более замедлённым, чем несколько нервное вибрато Оливера и других музыкантов Нового Орлеана»¹.

Что же представляет собой творческое наследие этого американского гения? «Армстронг был одним из важнейших фигур в музыке XX века – говорил о нем Коллиер, – Он был важнейшим из всех, потому что оказал решающее влияние на музыкальные жанры, которые вышли из джаза: рок и его разновидности, телемузыка, музыка кино и театра, популярные мелодии и даже «классическая музыка Копленда, Мийо, Пуленка, Онеггера и других композиторов. Без Армстронга все это выглядело бы иначе. Луи Армстронг был выдающимся музыкальным гением своей эпохи». Поэтому Луи Армстронг так важен для всех.

Что же было важно для самого Армстронга? «Сдаётся мне, что не так плох наш мир, как то что мы делаем с ним. И всё, что я хочу сказать: посмотрите, каким прекрасным был бы этот мир, если бы мы дали ему такую возможность. Любовь, крошка, любовь. Вот в чем секрет. Так-то»,² – писал Армстронг. Его огромным желанием было завоевать любовь аудитории, перед которой он выступал, и это желание великого музыканта сполна осуществилось, потому что любовь к его искусству не остывает, а

¹ Коллиер Дж.Л. Становление джаза. –М., 1984. –С. 124.

² Армстронг Л. Сачмо: моя жизнь в Новом Олреане // <http://www.jazz.ru>

возрастает всё с большей и большей силой. Записи Луи Армстронга востребованы и до сих пор пользуются огромной популярностью, составляя золотой фонд джазового искусства XX века.

О.Х.Худоярова
*ЎзДК мусиқий шарқшунослик
кафедраси аспиранти*

XX АСР ЎЗБЕК КОМПОЗИТОРЛИК МАКТАБИДА ШАРҚ МАВЗУИ ТАЛҚИНИ

Аёнки, Ўзбекистонда композиторлик ижодиётининг шаклланиши дастлаб рус композиторларининг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган. Бунда ўзбек миллий куйлари турли композиторлик жанрлари (сюита, сахнавий, симфоник ва камер асарлари)нинг қарор топишида, таъбир жоиз бўлса, «Шарқ ичра Шарқ» мавзулари бўлиб хизмат қилган эди. Шу боисдан ушбу жараён натижаларини рус композиторлари ижодида доим муҳим ўрин эгаллаб келган «Шарқ тематикаси»нинг ўзига хос янги кўриниши, янги идроки сифатида баҳолаш мумкин.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.Ғофурбеков ўзбек мусиқашуносларидан биринчи қаторида «Шарқ мавзуси»ни теран илмий идрок этди, унинг нафақат ўзбек мусиқасида, балки жаҳон мумтоз мусиқасида ҳам тутган ўрнини бир қадар тавсиф этди. Шу боис Т.Ғофурбековнинг бу борадаги илмий тадқиқотлари кейинги йилларда бажарилган диссертация ва бошқа илмий ишлар учун услубий асос бўлиб хизмат қилди.

Бу вазиятда ўзбек мусиқашунослик фанида илгари сурилган «ичкишарқ» (внутривосточный), «ўзгашарқ» (иновосточный) Т.Ғофурбеков, Э.Мамаджанова, кейинчалик эса «Яқин Шарқ», «Ўрта Шарқ» каби географик жойлашувга урғу берувчи иборалар, шунингдек умумшарқ маъносида қўлланган «поливосточный» В.Плунгян, Т.Ғофурбеков, тушунчалари нисбатан асослидир. Ички Шарқ тушунчаси асосан Ўрта Осиё халқлари куйларининг композиторлик асарларида намоён бўлишига доир қўлланилган бўлса, хорижий Шарқ иборасида энг аввало собиқ Иттифоқ мамлакатидан ташқарида бўлган Осиё халқлари, араб мамлакатлари мусиқаси назарда тутилган. Э.Мамажонованинг «Ўзбек композиторлари ижодида ичкишарқ мавзусининг инъикоси: эволюция, услублар» («Воплощение внутривосточной тематики в творчестве композиторов Узбекистана: методы, эволюция») мавзуидаги номзодлик диссертациясида «ичкишарқ» тушунчаси воситасида мусулмон Шарқи монодик маданияти, «ўзгашарқ» тушунчасида эса дини, ирқи ва бошқа

белгиларидан қатъи назар, қолган барча Шарқ мамлакатлари маданияти англанилади. Шунини айтиш лозимки, «ички Шарқ» тушунчаси Ўзбекистонда композиторлик жанрлари ривож топиши асносида тобора муайян миллий тус олди ва ибора сифатида ўз аҳамиятини йўқотди.

Шунини айтиш лозимки, Ўзбекистонда композиторлик жанрлари қарор топиши асносида «ички Шарқ» тушунчаси тадрижий ривожга юз тутди ва жанрларнинг ижодий ўзлаштирилиши билан тобора муайян миллий тус олди. Кўп босқичларда амалга ошган ушбу жараённи идрок этишимизда таниқли олима, санъатшунослик фанлари доктори Н.С.Янов-Яновскаянинг ўзбек композиторлик ижодиётининг умуман шаклланиши ва ривожига доир таклиф этган қуйидаги таснифи қўл келади:

- 1) миллий куйларни қайта ишлаш (обработка);
- 2) иқтибосли куйлар замирида асарлар яратиш;
- 3) миллий рух билан суғорилган муаллифлик (оригинал) мусиқий асарларини ижод этиш¹.

Ўзбекистонда композиторлик ижодининг дастлабки шаклланиш даврида мусиқий фольклорни қайта ишлаб ривожлантириш омиллари кузатилади. Бу ишга қўл урган композиторлар фольклорнинг мазмуни, услубини, унсурларини, мухтасар айтганда асл қиёфасини сақлашга интиланлар.

Шу йўсиндаги илк уринишларни Россиядан Ўзбекистонга келган ҳарбий капелмейстарлар – А.Ф.Эйхгорн² ва Ф.В.Лейсекларнинг³ Ўрта Осиё мавзуларини (ўзбек, қozoқ, қорақалпоқ, туркман, тожик ва бошқа) дамли оркестр учун қайта ишланмаларида (аниқроғи – мосланмаларида) кўрамыз.

Шунини айтиш керакки, халқ куйларини қайта ишлаш тажрибалари ХХ аср бошларида янада эътиборли бўлди. Жумладан, ўзбек мусиқаси шаклланишида В.А.Успенский ҳамда Н.Н.Мироновларнинг халқ

¹ Ю.Носирова ўз мақоласида фольклорни ишлатишда қуйидаги учта шаклни ажратади: иқтибосли, тематик ва интонацион. Г.Головинский ҳам бу борада халқ рақсларини қайта ишлашда қуйидаги 3 та босқични тавсия этади: ўзлаштириш (заимствование), умумлаштириш, трансформация.

² А.Эйхгорн Тошкентга 1870 йилда келган. У «Нағмаи сарбози Қўқанд» («Бухоро марши», «Осиё марши» номли вариантлари ҳам бор. Уни И.Штраус «Форс марши» асарида ишлатган) ва бошқа 16 та ўзбек кўшиқларни фортепиано учун қайта ишлаган (аниқи гармониялаштирган). Аммо уларда миллийлик сақланмаган.

³ Ф.Лейсек 1878 йилда Тошкентга келган. Унинг дамли оркестр учун «Азиатское попури из сартовских (узбекских), киргизских (казахских) и татарских мотивов» (1890) 27 та кўшиқ ва чолғу куйлардан иборат. Ушбу обработкаларда халқ куйларига тўғри келмайдиган классик гармония ишлатилган. Аммо унда полифоник овозоти (подголосочная) услубнинг куртаклари намоен бўлади. Шунингдек, оркестр учун халқ кўшиқларининг ижодий қайта ишлашларнинг дастлабки намунаси сифатида тарихий аҳамият касб этади. Унинг 1924 йилдаги «Попурри из узбекских песен»да 9 та ўзбек, 2 та афғон («Акрамхон», «Зулайхо» Успенский ҳам айнан шу кўшиқларни «Четыре мелодии народов Средней Азии» обработкаларида қўллаган), 1 та турк («Фукаролик турк марши») кўшиқлари кирган.

музиқаси (ўзбек, қозоқ, татар, бошқирд) намуналарини симфоник оркестр учун қайта ишловлари аҳамиятлидир.

А.Ф.Козловскийнинг халқ куйларига мурожаат этган асарида Н.А.Римский-Корсаковнинг ёрқин тасвири симфонизми, бўёқли оркестровкасининг таъсири сезилади. Манзарали табиатни акс эттиришда француз импрессионистларидан К.Дебюсси ва, айниқса М.Равельнинг баъзи услублари унумли ишлатилган. Шунингдек, у ўзбек куйларини симфониялаштиришда В.Успенский қўлга киритган ижодий натижаларни анъана даражасига юксалтирди. Машхур ўзбек халқ куйи «Тановар»ни қайта ишлаган А.Козловский «мураккаб гармоник воситаларни, оркестрнинг бой имкониятларини миллий хусусиятлар билан уйғунлаштиришга» муваффақ бўлган эди. Бунда халқ куйларидан турлича фойдаланган.

Шу билан бирга ўзбек фольклорини қайта ишлашда А.Козловский ва Г.Мушель мураккаб гармоник воситалардан фойдаланганлар, уларнинг алоҳида унсурларини полифониялаштириб, янги ладогармоник воситаларни сингдиришга, метроритмик хусусиятини кучайтиришга эришганлар.

1950-йиллардаги халқ куйларининг қайта ишловлари анча эркинрок тусда кечган. Музиқа воситалари оркестр ёрдамида кенгайтирилган, мураккаб асарлар яратилади.

Музиқашунос Э.У.Мамажонованинг қайд этишича, В.Успенский, Р.Глиэр, Т.Содиқов санъатлари Шарқ мавзуларини ифодалашнинг дастлабки босқичларидан ҳисобланади. Бу босқич М.Бурҳонов, Ик.Акбаров, С.Юдаков ва бошқа композиторлар ижодларига туртки бўлди. Дастлабки босқичларда шаклланган анъаналар кейинги босқичларда ҳам намоён бўлади. Уларнинг асосийларини Мамажорова куйидагича ажратади:

- музиқий фольклорни қайта ишлаш жанрида Шарқ оҳанглари (иктибослар) оригинал муаллифлик куйлари билан туташади.

- музиқий сахнавий асар қаҳрамонлари, у ёки бу халқ турмушини тасвиришда муайян Шарқ халқлари оҳанглари билан фойдаланилади. Бунда Мамажорова Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин» музиқий драмасида ҳинд, ҳабаш ва форс халқларининг миллий рақслари¹; Глиэр ва Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операларидаги араб рақси²; М.Ашрафийнинг «Дилором»³ операсидаги араб, эрон рақслари ҳақида

¹ Хитой рақсини тасвиришда Успенский асл хитой куйидан фойдаланган. Унинг гармоник тузилмаларида пентатоник ва бутунтонли ладлари киритилган. Форс рақсида ҳам орт. секундали асл халқ оҳанги ишлатилган.

² Қайс ва Лайли лейтмотивларида афсонанинг арабча келиб чиқишини акс эттириш ниятида муаллифлар орт. секундани киритганлар.

³ Араб хўжасининг ариясидаги воситалар Римский-Корсаковнинг Шарқ образлари билан боғлиқ саҳифаларини эслатади. Ашрафийнинг ёзишича: «Дилором»да мен асл миср, ҳинд ва

гапириб ўтади. Бундай вазиятда композиторлар куйларни гармонизация қилиш, фактурани полифониялаштиришга катта эътибор берганлар.

Ўзбек композиторларининг ижодида намоён бўлувчи «хорижий Шарқ» мавзуси маълум даражада рус мумтоз муסיқасида ижодий кечган умумий Шарқ мавзусини ёдга солади. Бунда рус классик муסיқасини Шарқ халқларининг кўпқиррали, фусункор манзараларини тасвирлашга мойиллик сезилади.

Ушбу жараён ҳам бир неча босқичда амалга ошганлиги маълум бўлади. Уларни илмий англаб олиш борасида муסיқашунос олималаримиз турли таснифларни таклиф этганлар. Жумладан, ички Шарқ куйларини ўрганишда Э.У.Мамажоновна куйидаги таснифотни баён этади:

- 1) Шарқ куйларини иқтибос этиш;
- 2) композиторнинг ижодий услуби доирасида Шарқ халқларига мансуб муайян жанрни (ўзига хос муסיқий тилга эга кўшиқ, ракс) қўллаш;
- 3) халқ муסיқаси тафаккурининг бадий жихатларини, унсурларини умумийлаштириш.

Хорижий Шарқ мавзуларига мурожаат этиш жараёнларини И.В.Пифлакс икки даврга бўлади. Биринчи давр 1950-1960 йиллар – изланишларнинг дастлабки босқичи. Иккинчи давр 1970-1980 йиллар. Биринчи босқичда (1950-1960 йиллар) – рус муסיқий маданиятининг умумбашарий (ориентал) анъаналари нафақат давом эттирилди, балки Ўрта Осиё муסיқасидан келиб чиққан ҳолда яратилган муаллифлик услублари ҳам ишлатилди.

Иккинчи босқичда (1970-1980 йилларда) Шарқ халқлари муסיқаси намуналари композиторлар томонидан умумшарқ муסיқа маданиятининг бир қисмидек қабул қилинади. Улар жаҳон муסיқаси ютуқларига таяниб, Шарқ муסיқасига ўзга нигоҳ билан қарайдилар. Натижада медитация хусусиятлари, ҳар бир товушга эътибор, горизонталликка бўйсунуш, модал система каби янги ҳолатлар юзага келади.

1950-йилларда С.Жалил – ҳинд, Покистон, хитой, албан, араб халқ кўшиқларини қайта ишлаб, оркестрга мослаштирган. Шу йилларда Б.Гиенко ҳам тожик муסיқасини овоз ва фортепиано учун ҳамда Ўзбекистон радиоси қошидаги тўрт торли дўмбиралар секстети учун қайта ишлаган. 1960 йили Борис Бровциннинг хитой, мўғул, корейс халқ куйлари асосида сюитаси яратилади.

Чолғулар, симфоник оркестр учун куйларни қайта ишлашдан ташқари, хор а'cappella учун ҳам бундай ишлар амалга оширилган ва унинг асосчиларидан – М.Бурҳоновнинг 1950-йиллардаги қорақалпоқча «Бибиғул», афғон халқ кўшиғи «Чашми сиёх», эрон халқ кўшиқлари «Гули гандум», «Дамкўл-Дамкўл» ва бошқа мослашувларни ажратиш мумкин.

форс куйларини ишлатганман. Улар воқеаларнинг лозим бўлган жойларида янграйди». Ҳар бир куйни ишлатишда стилизациядан фойдаланган.

Унинг давомчиси сифатида Б.Умиджонов ҳам хор а'cappella учун уйғур, озарбайжон, тожик халқ кўшиқларини қайта ишлаган.

Ўзбекистон композиторлари орасида А.Ф.Козловский биринчилардан бўлиб хорижий Шарқ мавзусига мурожаат этган. Жумладан, у 1955 йилда ижод этган симфоник оркестри учун «Ҳинд поэмаси»да рус классик мактабининг «Шарқ» мавзусида жамланган илғор тажрибаларининг давомчиси сифатида майдонга чиқади. Композитор янги мавзуни тасвирлашда, услубий анъаналарга содиқ қолган ҳолда (А.Козловский барча ижод этадиган жанрларда доимо «фольклор иқтибоси» принципига таянган), асарни асл ҳинд куйлари асосида боғлаб, шу куйлар негизида мавзулар ривожини белгилайди. Бундай услуб ҳинд маданияти билан яқиндан таниш бўлмаган композитор учун «аниқ бўлмаган, мавҳум ориентализмга оғиб кетмаслик кафолатини беради».

Хулоса қилиб айтганда, 1950-1960 йиллардаги чолғу асарларида ортирилган тажриба кейинги давр йўналишини очиқ беради.

1970-1980 йилларда (иккинчи давр) жанрлар хусусияти чуқурроқ англанилди (Ик.Акбаров Колидас достони асосидаги «Шакунтала» симфоник сюитаси; «Почта» – Р.Тагор асари асосида), ўзга халқ мавзуларини ўзлаштириш босқичи анча юксалди, янги изланишлар, қизиқарли намуналар юзага келди.

Ик.Акбаров асарларида Шарқ оҳанглари бевосита иқтибос этилмаса-да, аммо ҳинд мусиқасининг ўзгарувчан ладлари, ритмик остинато хусусиятлари ижодий қўлланилган, материални ритмик вариациялар орқали ривожлантиришга эришилган.

Бу даврда композиторларнинг ўзига хос услублари билан бир қаторда, умумийлик ҳолатлари сифатида чолғу жанрига ва балетга қизиқиш кузатилади.

Шу тариқа Шарқ куйлари ёрқинроқ даражада тематизм, ладотонал уюшмаларида, метроритмика ва оркестрда намоён бўлади. Ҳинд мавзуси чолғу асарлардан ташқари яна балет жанрларида ҳам акс эттирилган. Бунга Г.Мушельнинг «Кашмир афсонаси» (1961), М.Ашрафийнинг «Севги тумори» (1969), У.Мусаевнинг «Ҳинд достони» (1978) балетларини мисол сифатида келтириш мумкин. Балетларда ёрқин оптимизм, «зиддият» тушунчасининг йўқлиги (М.Ашрафийнинг «Севги тумори» балети истиснодир) кўзга ташланади.

Г.Мушельнинг «Кашмир афсонаси» ва М.Ашрафийнинг «Севги тумори» балетларида шарқона (ориентал) анъаналар орасида мавжуд боғлиқликларга эътибор берилади: иқтибосларнинг ишлатилиши; образ жиҳатдан – «ҳиндча» унсурларни лирик доирада ёрқинроқ акс эттирилиши; ўзгарувчан ладларни устун туриши. Шунингдек, куйларнинг модал хусусиятларига риоя қилинади.

У.Мусаевнинг «Ҳинд поэмаси» балетида умумий куй қатлами кесимида ҳинд тематизми яққол ажралиб туради. Мавзу монодия хусусиятларига асосланган. Бунда кўплаб ишлатилган куй безаклари, вокал, глиссандо хусусиятли модал парда-оҳанглариининг барчаси умумий медитатив ҳолатни юзага чиқаришга унумли хизмат қилган. Монодия унсурлари аккордли кўповозликка (ёвуз кучлар соҳаси ва қахрамонлик) тафовут сифатида ҳам қўлланилади.

Бундан ташқари, алоҳида бир Шарқ халқи куйига эмас, балки умумшарқий аҳамият касб этувчи асарларни ҳам алоҳида қайд этиш мумкин В.Плунгян, Т.Ғофурбеков С.Юдаковнинг асарларини таҳлил қилганда «поливосточный» деган тушунчани киритганлар.

1946 йили С.Юдаковнинг скрипка ва фортепиано учун «Шарқ поэмаси»да эронча импровизация услублари, ҳинд лад уюшмалари сезилади.

Шундай қилиб, юқоридаги композиторлар қайси халқ куйини ўз асарларида ишлатмасинлар, унинг қўлланилиши хоҳ иқтибосли, хоҳ эркин бўлсин, куйнинг қайта ишлашида, ривожда миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда Европа ва рус композиторларининг таъсири мавжуд эди.

Аммо мустақиллик йилларига келиб, бундай йўналишда композиторларнинг шахсий ўзига хос услуби шаклланган.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, хорижий Шарқ мамлакатлари «муסיқа харитаси» (В.Конен) борган сари кенгаймоқда. Айтиш мумкинки, 1950-йиллардан бошлаб, ўзбек муסיқасида турфа бадиий жараёнлар вужудга келади. Зеро, улар мавзунинг кенгайиши, муסיқий ифодали воситаларнинг янгилиниши, бойиши билан муштаракдир. Бир томондан ўзбек композиторлари мақом, дostonга мойиллик кўрсатсалар, иккинчи томондан, ўзга мамлакатлар маданияти, халқ куйлари, услубларига оғишма қилаётганлари намоён бўлади. Бундай ҳолат эса, эндигина ривожланаётган композиторлик ижодида турли янги услубларни излаш, янги жанр, шакллар қоришмаларига эга бўлишга интилишлари билан бир қаторда санъат, муסיқа орқали турфа мамлакатлар халқлари орасида ўзаро ҳамжиҳатликни, дўстликни чуқурлаштириш, кучайтириш учун ҳам қилинган муҳим қадамлардан биридир.

МУСИҚА ИЖОДИЁТИ – КОМПОЗИТОРЛАР ТАҲЛИЛИДА

Композиторлик ижодиёти ниҳоятда серқатлам ва серуслуг соҳадир. Ўзбекистон худудида бир асрлик тарихга эга мазкур ижодиёт соҳасининг ўрганилмаган қирралари талайгина. Эътироф этиш жоизки, композиторлар ижоди шу кунга қадар асосан musiқашуносларнинггина илмий тадқиқотлари марказига айланган. Олимларнинг композиторлик ижодиётига бағишланган диссертациялари, ўзга илмий иш ва монографиялари талайгина бўлса-да, айнан композиторларнинг – ўзлари, узок ва яқин ўтмишдош-салафлари, замондош ҳамкасблари асарлари ва бевосита шахсий ижодига доир муносабатларини муайян бир манбада топиш ўта мушкулдир.

Композиторлар томонидан яратилиб келинаётган асарлар ўзга бадий ижод маҳсулларида фарқли ўларок, идрокланиши ва тўла англаниши мураккаброк, аллома Сукрот таъбиридан фойдалансак, «унча аниқ бўлмаган» соҳалардандир. Зеро, ўзбек композиторларининг кекса авлод вакили М.Бурҳоновнинг таъкидлаганидек: – «Композиторлар камгап бўлишади. Улар musiқашунослардек чиройли сўзлай олмайдилар»¹.

Тарихдан маълумки, musiқашунос ва бевосита композиторнинг фикрлари ҳамиша ҳам бир хил мазмун, маъно ва моҳият касб этмаган. Айрим ҳолларда олимларнинг композиторлик ижодига бўлган муносабати, айнаи ушбу асар муаллифи фикрига-мутлақо тесқари бўлган мисоллар ҳам учрайди. Таъкид жоизки, Ғарб ва рус композиторлари musiқий асарлар яратиш билан бирга, илмий ижодиёт соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилганлар. Бунга Арнольд Шёнберг, Бела Барток, Кароль Шимановский, Артур Онеггер, Пауль Хиндемит, Франсис Пуленк, Оливье Мессиян, Игорь Стравинский, Эдисон Денисов, Сергей Слонимский каби композиторларнинг изланишлари ёрқин далилдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда нашр юзини кўрган В.Успенский, А.Козловский мақолалари, М.Бурҳонов, М.Ашрафий, Т.Қурбонов, Р.Абдуллаевларнинг китоб ва дарсликлари, Ик.Акбаров, М.Тожиев, Ф.Янов-Яновский, М.Бафоев, Х.Рахимов, Ф.Олимов, А.Мансуров, О.Абдуллаевларнинг ўқув-қўлланмалари, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам эътиборга лойиқдир. Бундан ташқари, архив манбаларида бир қатор композиторларимизнинг musiқа ижодиёти масалаларига бағишланган қимматли фикрлари мавжуд.

¹ Стенограмма. Бастакорлар уюшмаси архиви: 494, фонд 1, 146-б.

Шунингдек, Ф.Олимов, Н.Норхўжаев, О.Абдуллаеваларнинг «Театр» журнали саҳифаларида композиторлик санъати, мусиқали драма, театр муаммоларига оид мақолалари муайян қизиқиш уйғотади.

Бундан ташқари, «Музыкальная академия» журналида Ўзбекистон композиторларининг юртимиз маданияти ва санъатидаги ўзгаришлар, ютуқ ва камчиликларни рўй-рост ҳикоя қилишлари қувонарли ҳолатдир. Тўнғич (Ик.Акбаров), ўрта (Д.Сайдаминова, М.Бафоев, Р.Абдуллаев, А.Мансуров, Н.Ғиёсов ва б) авлод вакиллари ҳамда навқирон ёшдаги ижодкорлар (О.Абдуллаева, Х.Хасанова, Д.Зокирова) билан бевосита суҳбатларда уларнинг мусиқа ижодиётининг бугунги муаммоларига муносабатларини изчил ўрганишга муваффақ бўлдик.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон композиторлари аксарияти халқимизнинг бой мусиқий меросига асосан ҳурмат билан ёндашадилар. Жумладан, Икром Акбаровнинг қуйидаги фикри: – «Миллий мусиқамизни асраб-авайлашимиз шарт. Ундан фойдаланиш учун композитор аввало – зукко, чинакам касбий маҳоратга эга бўлиши керак»¹ – деганлари ниҳоятда долзарбдир. Айти шу ижодкорнинг мақомлардан фойдаланишга доир муносабатлари қуйидагичадир: – ««Мақом – санъат дурдонасидир. У мўъжизали оламдир. Ундан кўр-кўрона фойдаланиб бўлмайди»². Шу маънода, М.Бурҳоновнинг фикрлари ҳам Икром Акбаровники билан ҳамоҳангдир: «Рус композиторлари кичик халқ куйига ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлганлар, бизнинг мақомларимиз эса, ниҳоятда мураккаб ва маҳобатли. Шу боис, биз уларга жиддий ёндашиб, асраб авайлашимиз даркор»³.

Бу мулоҳазаларга ўрта авлод композитори Н.Ғиёсовнинг ўз ёндашуви бор. «Мақомларимизни ривожлантиришимиз керак. Токи, ҳар бир композитор ўз мақомини ёзишга муваффақ бўлсин»⁴.

Маълумки, XX асрда композиторлик техникасига кириб келган янги йўналиш, ёзув услублари Ўзбекистон композиторлари ижодини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Додекафония, алеаторика каби йўналиш ва ижодий техника композиторларимиз томонидан изчил қўлланила бошланди. Бунга қарата, тўнғич авлод вакиллари: «Мусиқани математик формулалар асосида яратиш нотўғри. Уни дилдан чиқариш лозим»⁵ – (М.Бурҳонов, Ик.Акбаров, С.Бобоев) дея дея таъкидлаган бўлсаларда, мусиқа тараққиётининг маълум босқичида С.Губайдулина, Я.Ксенакис асарлари юқори математик формулалар асосида яратилганлигининг гувоҳимиз. Дарвоқе, аслида классик соната шакли замирида ҳам математик формула туради.

¹ Икром Акбаров билан ўтказилган суҳбатдан. –Т., 2009 йил, июн.

² Стенограмма. Бастакорлар уюшмаси архиви: 494, фонд 1, 147-б.

³ Стенограмма. Бастакорлар уюшмаси архиви: 494, фонд 1, 147-б.

⁴ Н.Ғиёсов билан ўтказилган суҳбатдан. –Т., 2009 йил, сентябр.

⁵ Стенограмма. Бастакорлар уюшмаси архиви: 494, фонд 1, 148-б

«Композицион услуб ва техникани ўзлаштиришга берилиб, асосий мақсад миллийликни унутмаслик муҳим. Ахир техник имкониятлар – мусиқа эмас!»¹ – дейди М.Тожиев. Дарҳақиқат, миллийлик масаласи санъатда доиман долзарб бўлиб, ҳар бир миллат композитори нафақат ўз миллий мусикасини қолаверса, ўзга миллатлар мусикасини ҳам ёза олиши керак. Бу борада Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, Р.Абдуллаевнинг – «Замонавий композиторларимиз мавжуд барча йўналиш ва ёзув техникаларини ўзлаштиришлари зарур. Шундагина, ҳар бир ижодкоримизда, жаҳон мусиқа майдонларига чиқиш имконияти туғилади»² – деган фикрлари диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон композиторлари ижод маҳсулларини нафақат юртимизда балки, дунёда намойиш этаётганликлари қувонарлидир. Жумладан, Мангейм (Германия) да ўтказилган Халқаро композиторлар танловида Дилором Сайдаминованинг «Франческо изларидан» асари иккинчи даражали мукофотга, Д.Янов-Яновский Швейцария, АҚШ, Франциядаги халқаро танловларда лауреат бўлгани бунинг ёрқин исботидир.

Бундан ташқари, Мустафо Бафоевнинг – АҚШ ва Туркия, Хабибулла Раҳимовнинг – Германия, Миср, Испания, Болгария, Югославия, Алишер Латиф-зоданинг – Германия, Люксембург, Франция, АҚШда, Нуриддин Ғиёсовнинг – Швейцарияда янграган асарлари юртимиз довуғини жаҳонга ёймоқда. «Мусиқий асарларни жаҳон майдонларида кўрсатиш учун ҳар бир композитор классик мусиқани, миллий мусиқамизни ўрганиши зарур»³ – дейди Р.Абдуллаев.

Ўз ёзув услуби ва йўналишига эга Дилором Сайдаминова эса, «Бугунги кунда Вена классиклари анъаналарига таяниб асар яратиш мумкин эмас. Замонавий инсон ички дунёсини, уни ташвишлантираётган муаммоларни ёритиш учун буткул замонавий мусиқий ифода воситаларидан, услубдан фойдаланиш зарур» – дея фикр билдиради. Албатта, композитор классик санъатни юқори баҳолаб, кадрлайди. Шундай бўлса-да, у ҳатто ўз асарларида, ижодида ҳам такрорланмасликни мақсад қилиб қўяди.

Ўзбек композиторлик ижодиётининг ёрқин намояндаларидан Мустафо Бафоев эса, «Симфония ёзмоқчи бўлсам, Бетховенга мурожаат этаман. Ундан ҳар гал янгилик топавераман»⁴ дейди.

Бугунги кунда, композиторларимиз ижодини ўрганишда уларнинг фикрларига мурожаат этиш ва таяниш ниҳоятда зарурдир. Зеро, ижодкор - бутун бир олам. Мусиқа эса – илмдир. Композитор ички дунёсини, тафаккурини ўрганмай, асарларини идрок этиб бўлмайди.

¹ Мазкур манбада, 72-б.

² Р.Абдуллаев билан ўтказилган суҳбатдан. –Т., 2008 йил, декабр.

³ Р.Абдуллаев билан ўтказилган суҳбатдан. –Т., 2008 йил, декабр.

⁴ М.Бафоев билан ўтказилган суҳбатдан. –Т., 2009 йил, март.

Ш.И.Ойхўжаева
ЎзДК мусиқий шарқшунослик
кафедраси доцент в.б.

МАҚОМ ИЖРОЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ **(Тароналар мисолида)**

Мумтоз мақом йўлларининг нафис ва дилкаш, фалсафий теран ва таъсирли чолғу ила айтим наволари мусиқа тингловчиларини қадимдан баҳраманд қилиб келмоқда. Табиийки, бадий баркамол, ноёб мусиқий намуналарни ҳар бир нозик қалб эгасига етказишда ижрочилик маҳорати ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, мусиқа санъатининг бу жабҳаси мақом шакллана борган кўҳна даврлар билан узвий боғланган ҳолда, кўп асрлар оша мунтазам ривож топган ва такомиллашган. Ўз навбатида мазкур тарихий жараённи неча-неча авлодларга мансуб машҳур хонандаю созандаларнинг ижровий моҳирлиги ва йиллар мобайнида тўплаган тажрибалар синови дейиш ўринлидир. Яъни, «...қадимий ва доимо навқирон мақомларнинг асрлар оша ҳаёти ва ривожи, бир қатор омиллар қаторида, шубҳасиз устоз-ҳофиз ва созандаларнинг юксак ижрочилик маҳорати билан ҳам узвий боғлиқдир»¹. Бунда устоз даражасига етишган ҳар бир бастакору ижрочи ўзининг ижодий бисотидан ўз шогирдларига юқтириш ила мумтоз мусиқа намуналарини абадийлаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Ва муносиб шогирдлар ҳам ушбу қоидага амал қилган ҳолда устозларидан олган илмий-ижодий малакаларини янада сайқаллантириб, ўз навбатида келгуси авлод вакиллариغا етказишга ҳаракат қилишади. Демак, мақом ижрочилиги худди шу йўсинда шаклланиб, тобора ривожланиб боради ва муайян ижодий ютуқлар анъанага айланади.

Маълумки, XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи ярмида мақом ижро анъаналарининг буюк давомчиларидан бири, ўз ижодкорлик ва ижрочилик мактабини яратган беназир бастакор, ҳофиз ва созанда Ҳожи Абдулазиз Расулов бўлган. Устознинг кўп йиллик самарали меҳнатлари боис, шогирдлари келажакда элимизнинг севимли ва машҳур санъаткорларига айландилар. Айтишларича, тажрибали ҳофиз ва бастакор «...ўз шогирдларининг ижодий ташаббусларини ривожлантириш мақсадини ўз олдига қўйган эди. Мақомларни билиб олган ёш ашулачиларга битта ашулани турли вариантларда кўрсатиб, уларни мустақил импровизация қилишга ҳам ўргатар эди»². Устоз шу тариқа шогирдларидан ҳар томонлама, ҳам ижровий ҳам ижодий баркамолликка эришишни талаб қилар эди.

¹ Ўзбекистон санъати (1991-2001). –Т.: «Шарқ», 2001. 113-б.

² Ўзбекистон халқ созандалари. –Т., 1959. 1-китоб. 37-б.

Бундан ўн аср муқаддам яратилган Амир Унсурулмаолий Кайковуснинг фарзанд тарбиясига бағишланган «Қобуснома» рисоласининг ўттиз олтинчи – «Ҳофиз ва созандалик зикрида» номли бобида баён этилишича, мусиқа илмининг устодлари ушбу муаллиф яшаган даврда халқнинг ҳар бир табақаси табиатига мос равишда куйлар тузишган экан. Бундай табақалардан бири эса ёш болалар ва нозиктаб кишилар, яъни аёллар бўлишган.

«Бу қавм учун – деб уқтирилади асарда, – таронани ишлаб чиқдилар, токи бу қавм ҳам баҳра олсинлар, роҳат қилсинлар. Чунки ҳамма вазнларнинг орасида таронадин ёқимли вазн йўқдур»¹.

Минг йиллик тарихга эга бўлган ушбу тафсилотлар таронанинг ўша даврларда тингловчи маълум маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондиришга интилиш натижасида шаклланганлигидан далолатдир. Асарда таърифланган мазкур жанр табиати, барча мусиқий-услубий хусусиятлари билан бизгача етиб келган мақом тароналарига ниҳоятда монанд эканлиги яққол кузатилади. Маълумки, мазкур ашула йўли мақомларнинг ажралмас таркибий қисми саналиб, уларнинг айнан туркум бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Мақомлар, хусусан тароналарнинг айрим ижрочилик удумлари ХХ асрнинг 20-йилларида қуйидагича таърифланган: «Тарона мажлисидаги бутун ҳофизларнинг қўшилиши билан ўқиладир»². Мазкур тафсилотлар, Шашмақом тароналари жамоа ижроси учун мўлжалланганлигини тасдиқлайди. Ва айни вақтда бу анъана асрлар давомида сақланиб қолганлигини баён этади.

Маълумки, мақомларни ўрганиш ва амалий ўзлаштириш, устоз-шогирд мактаби асосида узоқ ўтмишда шаклланган, сақланган ва ривож топган. Хусусан, «... тароналарнинг саройда қабул қилинган расмий ижроси жўровозликда, асосан шогирдлар гуруҳи иштирокида бўлганлиги сабабли туркум тартиб-қоидалари ҳам шунга мос равишда ишланган»³.

Хонлиқлар ағдарилгандан сўнг устозона мусиқанинг забардаст вакиллари сарой хизматидан озод бўладилар. Хусусан, 1920 йилдан эътиборан устоз-шогирд анъаналари янги давлат томонидан ташкил этилган мактаб таълим тизимида давом эттирилади. Бухорода очилган «Шарқ музика мактаби»га кекса Ота Жалол Носиров билан бир қаторда Домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов, Маъруфжон Тошпўлатов, Нажмиддин Насриддинов, Ғулом Гармон, Тоҳиржон Давлатзода сингари юксак маҳорат ила тажрибага эга бўлган хонанда ва созандалар жалб этилди. Ўз фаолияти давомида бу мактаб бетакрор санъаткор «...Ота Жалол бошчилигида ўзбек ва тожик халқларининг бой музика мероси –

¹ Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. –Т., 1992. 121-б.

² Абдурауф Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. –Т., 1993. 21-б.

³ Юнусов Р. Шашмақом тароналари хусусида //Музика ижрочилиги ва педагогикаси масалалари. –Т., 1999. 7-12 б.

Шашмақомни тарғиб этган» илк муқаддас даргоҳ бўлиб тарих зарварақларига ёзилди¹.

Хусусан, XX асрнинг ўрталарига келиб «... мақом амалиётида сезиларли ўзгариш жараёни кузатилади. Яъни, унда жамоавий ижро кенг тарқала бошлайди. Зеро, авваллари ижронинг мазкур кўриниши иккинчи даражали ёхуд тобе аҳамиятга эга бўлиб, у асосан тароналар каби таркибий қисмларга хос эди»².

Ижронинг янгича услубида «... бир хонанда зиммасига юклатилган мураккаб шўъбаларни ижро этиш маъсулиятини енгиллатибгина қолмай, овозларни (паст, ўрта, баландга) тақсимлаш билан (ижрода) янги ифода воситаларини ҳосил қилишга эришилди»³.

Бу анъанага ўзгача ижтимоий-тарихий шароитларда, жумладан, ўтган асрнинг 60-йилидан бошлаб хонанда ва созандаларни Ўзбекистон радиоси мақом ансамблига ишга жалб этган ҳолда академик Юнус Ражабий асос солди. Ушбу ансамбл бадий раҳбарининг соҳадаги кўп йиллик ижрочилик, бастакорлик ҳамда илмий-ижодий изланишлари устозлик фаолиятида айнан қўл келди. Унинг бошчилигидаги санъаткорлар, шу жумладан шогирдлари ижро этган Шашмақом, Фарғона-Тошкент мақом йўллари туркумлари янгича талқин ила янада сайқаллантирилиб, мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.

«Ансамбль фаолиятида – деб ёзган эди, Юнус Ражабий ўзининг «Музыка меросимизга бир назар» номли китобида, – мақомотнинг ижрочилик анъаналари ва машхур устозлар, жумладан, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Левича, М.Толмасов, Шораҳим Шоумаров, Г.Муллақандов кабилар айтиш услубларидан баракали фойдаланилди»⁴.

Шу ўринда бадий раҳбарнинг сайъ-ҳаракатлари ила умуман мақом ижро йўлининг янгиланиши борасида аёл овозларининг киритилишини айтиб ўтиш айни муддаодир.

Маълумки, XX асрга қадар мақом ижрочилиги билан расман машғул бўлувчилар фақат эркаклар бўлган. Ҳофиз деган атама ҳам ёлғиз эркак хонандаларга тегишли бўлганидан яхши хабардормиз. Аммо бу дегани аёллар умуман мумтоз мусиқадан бохабар бўлмаган, мақом ижрочилиги билан шуғулланмаган дегани эмас. Бу даврда уларнинг иждодий фаолияти «ичкарида», яъни фақат аёллар даврасидагина кечганини эслатиш жоиздир. Халқчил мусиқий услубдаги тароналарни вужудга келиши бир ҳисобда аёллар билан боғланар экан, уларнинг бевосита ижрочилиги ҳам бундан истисно бўлиши мумкин эмас, албатта.

¹ Ўзбекистон халқ созандалари. –Т., 1974. 2-китоб. 42-б.

² Matyakubov O. Der Schaschmaqam im 20 jahr //Maqam, Raga, Zeilenmelodik. Konzeptionen & Prinzipien der Musikproduktion. –Berlin: 1989. –P. 192.

³ Шу манба, 192-б.

⁴ Ражабий Ю. Музыка меросимизга бир назар. –Т., 1978. 11-б.

Янги замонда эса аёл овозининг расман тан олиними, хусусан мақом ижрочилигида ўз ўрнини топиши жуда муҳим ижтимоий-маданий ҳодисалардан биридир. Бунинг натижасида мумтоз мусиқамиз жаранги тўлди, янги-янги беназир жилолар билан янада бойиди.

Хусусан Юнус Ражабий раҳбарлигидаги мақом ансамблининг биринчи аёл хонандаларидан Берта Довидова юксак касбий ижрочилик маҳоратига айнан шу ансамблда эришган десак, муболаға эмас. Боиси, у мақом билимдонлари, машҳур ҳофизлар Шоназар Соҳибов ва Ёқуб Довидовлардан Шашмақом ашула йўлларини ўрганган бўлса, Юнус Ражабий, Мақсудхўжа Юсупов, Имомжон Икромов каби бастакорлар ёш Бертага ўз ижро бисотини янада бойитишга яқиндан ёрдам бердилар¹.

Шунингдек, мақом ансамблида юксак ижро маҳоратига эга бўлган Коммуна Исмоилова, Раҳима Йўлдошева, Ҳадия Юсупова каби иқтидорли аёл санъаткорлар ҳам фаолият кўрсатишди. Ва бу даврда Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Марям Сатторова, Гулбахор Эрқулова, Комила Аминова каби янги номлар билан тобора кенгайиб борди.

доцент кафедры теории музыки ГКУз*

О НЕКОТОРЫХ ОБЩИХ ЧЕРТАХ ЦИКЛИЧЕСКОГО СТРУКТУРИРОВАНИЯ

Слово «цикл» имеет целый ряд значений как утилитарного, так и эстетического плана. Во многих науках (математике, биологии, философии и т.д.) этот термин используется по отношению к совокупности взаимосвязанных **процессов**, происходящих периодически, имеющих

круговой характер¹. Он применяется в теории и практике различных видов искусств – живописи, архитектуре, музыке и литературе, там, где наличествуют несколько частей, объединенных единым композиционным планом (серия, ансамбль и т.п.).

Не предполагая подробного анализа всех способов использования понятий «цикл» и «цикличность», подчеркнем, что многосложность понятия «цикл» является прямым результатом многообразия форм и способов функционирования принципа цикличности. Термины «цикл» и «цикличность» не подменяют друг друга. Цикличность как всякое общее понятие, обозначающее некое фундаментальное свойство, имеет весьма широкий смысл, дающий представление о механизмах этого процесса не только по отношению к конкретному образцу, но и к более общим явлениям. По нашему мнению, цикличность представляет собой предельно общий принцип развития на композиционном уровне². Цикл же – результат действия этого общего принципа, конкретная его реализация. Когда мы произносим слово «цикл», то в первую очередь возникает представление о некоей многосоставности, базирующейся на определенных конструктивных закономерностях. Именно они выступают на первый план при знакомстве с циклами в искусстве.

При первом просмотре употребления термина в различных сферах выясняется, что его первоначальный смысл был связан с идеей замкнутости, как бы с формированием круга, не имеющего ни начала, ни конца. Затем термин, в противоположность первоначальному смыслу, приобретает более свободное значение и некоторую разомкнутость. Вследствие этой разомкнутости и возникает известная условность в употреблении понятия цикл в различных сферах деятельности.

Нет сомнения в том, что фундаментальная идея цикличности, возникшая в сознании человека в глубокой древности, имела прежде всего практическое и познавательное значение, т.е. выполняла определенную утилитарную и когнитивную функцию. Человек логически и эмоционально воспринимал окружающий мир. Констатировал повторяющиеся факты – смену времен года, дня и ночи, разливов рек, сельскохозяйственных работ и т.д. И эта периодичность, вероятно, натолкнула его на мысль, что развитие идет как бы по кругу, вновь повторяясь.

Идея цикличности, возникшая под влиянием объективной предопределенности природных явлений, распространяется на общественное развитие. Однако история человечества – это не только

¹ Философский энциклопедический словарь. –М., 1983. –С.290-291. Кондаков Н. Логический словарь-справочник. –М., 1975. –С. 662.

² По мнению Е. Назайкинского, «прием, обнаруженная закономерность, найденный эффект ... становится принципом, т.е. нормой творчества, исполнения, восприятия или исследования, если оказывается понятием, осознанным и целенаправленно используемым в дальнейшем». Назайкинский Е. Логика музыкальной композиции. –М.,1982. –С. 92.

история его трудовой деятельности. Но и история его отвлеченных размышлений, не отрывавших искусство от других сторон жизни. Вбирание в себя широкого многообразия жизненных явлений человек стремился выразить через особые представления и образы, видя в них прямое средство воздействия на непокорные ему силу природы в жизни. Он считал себя органической частью природы, подчинялся ее ритму и пытался различным способом взаимодействовать с ней. Причем здесь возникает особая форма взаимодействия человека с природой, где человек выступает как соучастник. Все это находит отражение в религиозной фантазии и мифологии древних. Ранние календарные игры и песни, связанные с явлениями природы, с годовым кругом солнца, с земледельческим трудом, являются также и языческими обрядами, обладают как и всякий народный праздник, поразительным свойством – устойчивостью формы. Различные религиозные праздники, появившиеся позднее, тоже так или иначе были приурочены к народным и многое наследовали от них.

Идея цикличности, возникшая под влиянием природных явлений, находит отражение в культово-религиозных обрядах, где можно выделить однотипные культовые циклы, связанные с умирающим и воскресающим богом: культ египетского Озириса, финикийского Адониса, хеттского Теленика, вавилонского Таммуза-Мардука, армянского Ара, среднеазиатского Сиявуша.¹ Непосредственно из образов умирающей и воскресающей природы берет начало процесс становления таких понятий как добро и зло, правды и кривды.² Их можно встретить у многих народов. Объясняется это, прежде всего, сходством жизненных условий, единством законов человеческого восприятия, общностью принципов мышления. Поэтому в различных видах искусства может выражаться единое мировоззрение, определяемое единством культуры. Оно проявляется в общности стиля, подразумевающего характерные особенности формы, в которой реализуются представления о мире.

Как известно, сама по себе частота и длительность повторений определенных связей во внешней среде не является еще гарантией их прочного закрепления в ассоциациях. Главная роль принадлежит здесь жизненной важности, особенно практической значимости³.

Эстетическая значимость цикличности в различных видах искусства находит выражение в стремлении к художественному упорядочению

¹ Об этом см.: Искусство Древнего Востока. –М., 1968. –С. 8, 36; История Древнего мира. –М., 1983; Кушнарев Х. Вопросы истории и теории армянской монодической музыки. –Л., 1958. –С. 26, 74; История Бухары. –Т., 1976.

² Фрейденберг О. Что такое эсхатология? // Труды по знаковым системам. Вып. 308. –Тарту, 1973. Мелетинский Е. Палеоазиатский мифологический эпос. Цикл Ворона. –М., 1979. Бойс М.Зороастрийцы. Верования и обычаи. –М., 1987.

³ Ашхаруа-Чолокуа А. Роль ассоциаций в механизме художественного воздействия // Эстетические очерки. Вып. 5. –М., 1979. –С. 142.

многообразия жизненных явлений. В возможности создать нечто масштабное, в желании отразить разноликость мира и в то же время показать его цельность, единство. Процесс художественного познания мира находит отражение во многих семиотических системах, действующих в обществе. Причем в каждом из них вырабатываются свои специфические, порой условные особенности.

Стадиально наиболее ранними являются те случаи художественной циклизации, когда в народных сказаниях интерес к тому или иному герою вызывает стремление к созданию разрозненных повествований, прозаических или поэтических, о различных подвигах этого героя. В отличие от первобытной сказки, где каждый представитель рода может выступать в качестве типического персонажа, в мифах образ культурного героя, олицетворяя коллектив в целом (архаическая форма типизации) – становится центром циклизации.

В героических сказках и эпосе циклизация идет обычно путем нанизывания на основной сюжет все новых и новых эпизодов. Стержнем циклизации выступает единый сюжет. При отсутствии же такового связующим элементом служит имя героя. Так, шумеро-аккадские сказания, связанные с подвигами Энмеркара, Луганбальды, Гильгамеша – древнейший эпический цикл не только стадиально, но и хронологически. Дальнейшей ступенью является биографическая циклизация, когда рассказы о жизни героя упорядочиваются в хронологической последовательности, начиная от рождения и до героической смерти. В этой стадии обязательно присутствует описание всей жизни героя, а не какого-то, пусть даже очень важного, ее периода. Данная стадия циклизации может проявляться в различных жанрах – и в мифе, и в эпосе. Можно отметить введение различных мотивов предтечи, предсказаний, появление пророка, самого главного героя, его потомков и родичей. Таким образом, циклизация выступает как способ достижения важной задачи: связать и создать цельную масштабную историю героя.

В поэтических сборниках среднеазиатских поэтов обнаруживается стремление к их объединению через какую-то одну основную идею: сборники Саади «Бустон» («Плодовитый сад») и «Гулистон» («Цветущий сад»), состоящие из многочисленных поэтических притч; «Мухаббатнаме» («Книга любви») поэта XIV Хорезми, построенная в виде 12 посланий к возлюбленной (каждое из которых предполагает исполнение в определенном ладу). Известны традиции написания Шахнаме (Дакики, Фирдоуси), «Пятериц» (Низами, Хусрав Дехлеви, А.Навои и др.).

В среднеазиатской живописи раннего средневековья VI-VIII вв., открытой в Пенджикенте, Болалык-тепе, Варахше, Шахристане, Самарканде, Аджина-тепе вырабатывается строгая циклическая архитектурная композиция. «Главные плоскости стен заполнены в один и в два ряда сюжетными композициями, иногда переходящими со стен на стену, иногда

разделенными на отдельные панно самостоятельных изображений взаимосвязанных, однако, друг с другом единством развертывающегося сюжета: это как бы многосерийный рассказ в картинках»¹ (подчеркнуто мною – С.М.)

Период расцвета книжной миниатюры (XIV-XVI вв.) отмечен появлением цикла миниатюр к «Хамсе» («Пятерица») Низами, большинство из которых были выполнены Султаном Али ал-Баварди; цикла миниатюр к «Шахнаме» Фирдоуси в XIV в., художника Шамседдина и мастера Уста-Баба. Здесь о цикличности следует говорить в масштабе этих крупных литературных памятников, вызвавших к жизни миниатюры. Примечательной особенностью самих миниатюр является многоплановость, иначе говоря многочастность. Например, в миниатюре «Прибытие Юсуфа в Египет» к поэме «Юсуф и Зулейха» из «Семерицы» Джамии наблюдается дуплановость в изображении и стремлении к созданию некоей единой уравновешенной циклической композиции за счет подчеркивания временных последовательностей. В одной миниатюре одновременно изображены два сюжета: путешествие Юсуфа на корабле в Египет и продажа его в рабство. «Расположенные по окружности фигуры Юсуфа, купцов, слуг вторят очертаниям корабля, силуэтам едущих, связывая оба плана, два разных сюжета».²

Таким образом, действие принципа цикличности по форме различно во многих сферах художественной деятельности. Вместе с тем проступает и то сущностно общее, что так или иначе приближает нас к конституированию принципа цикличности как композиционного принципа. На наш взгляд, этот аспект, лежащий как бы на поверхности, подразумевает учет двух основополагающих моментов. Первый связан с наличием различных «отдельных» компонентов (нескольких планов, сюжетных линий, нескольких мифов, частей и др.), объединенных в целостную композицию. Второй сопряжен с контрастом как движущей силой, «работающей», с одной стороны, на автономизацию этих компонентов, а с другой – на их соотнесенность в едином целом.

¹ Пугаченкова Г., Галеркина О. Миниатюры Средней Азии. –М., 1979. –С. 9-10.

² Пугаченкова Г., Галеркина О. Миниатюры Средней Азии. –М., 1979. –С. 76. В основе поэмы – библейское сказание о Иосифе Прекрасном, получившее широкую разработку в литературе мусульманского Востока.

ЎЗБЕК ВОКАЛ МУСИҚАСИДА ИНТОНЕМА ВА РИТОРИКАНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Вокал музиқаси санъатнинг муштарак тури сифатида ўрганилиши лозим. Унинг барча унсурлари ўзаро боғланиб, бир-бирини бойитиб мураккаб тизимни ташкил этади. Вокал музиқада сўз мазмуни, унинг ифода воситалари куйнинг ритми, куйи билан боғланади. Ритм, тембр, мелодика, артикуляция, баландлик биргаликда музиқа тили (нутқни) барпо этади.

Хар бир инсон фақат ўзигагина хос овоз тембри ва сўзлашув тарзига (манерасига) эгадир. Хар хил миллат кишилари ва ижтимоий гуруҳларни характерини аниқловчи ўзига хос нутқ оҳанги мавжуддир. Бундан ташқари нутқ оҳанги у ёки бу нутқий ҳолатни (ситуацияни) (дарак, сўроқ ва таслиқлаш) ҳамда турли эмоционал ҳолатларни (ғазаб, қувонч, нозиклик ва ҳк.)ифодалайди. Бундан шу нарса маълум бўладики, нутқ оҳанги ўзида фақатгина такрорланмас индивидуал хислатларнигина мужассам этмайди. У ўзгармас, типлаштирилган инвариантларни ҳам акс этади.

Нутқ оҳангининг инварианти (ўзгармас хислатлар мажмуи) – интонемалардир. Интонемалар аниқ маъно, характер, эмоционал жило, маълум бир вазият, контекст ва қахрамоннинг характерни билан боғлиқ.

Интонемалар рус музиқашунослигида кенг ўрганилган ва уларнинг типлаштирилган формулалари ишлаб чиқилган. Масалан, рус музиқашуноси В.Васина-Гроссманнинг «Музыка и поэтическое слово» асари ва «Анализ вокальных произведений» дарслигида рус вокал музиқасида интонема масалаларига катта эътибор қаратилган ва уларни таҳлил қилиш усуллари ёритиб берилган.

Ўзбек вокал музиқасида интонемаларни тадқиқ қилиш ишлари ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган ва уларни методологик асослари яратилмаган. Лекин ўзбек композиторлари ҳам ўз асарларида савол, ундов, хайқириқ, мурожаат этиш каби оҳанглари ўзига хос тарзда, яъни ўзбек нутқидан келиб чиқган ҳолда ифодалаганлар. Айниқса бу ҳолат хиссиётларга тўла нутқ жанрларидан бири бўлган монологик нутқда ўз аксини топади. Монологик нутқда мурожаат, хайқириқ, таъкидлаш, илтижо, ҳайратга тушиш ҳолатларини ифодада ўзига хос интонациялар қўлланилади. Масалан улардан айримларини мисол сифатида келтириб ўтамыз.

Икром Акбаровнинг «Суғд элининг қоплони» операсидаги «Искандар ва унинг ўхшаши» сахнасида таъкидлаш оҳанги юқорилашиб бориш

тарзида берилган бўлиб, мазкур оҳанг Искандар важоҳатини кўрсатиб беради:



«Искандар монологи»да кўпгина нутқ оҳанглари қўлланилган, масалан; 1. Мурожаат қилиш оҳанги ямбик ритм орқали ифодаланган:



2. Урушга даъват қилиш оҳанги ямбик ритм ва юксалувчи катта интервали орқали ифодаланган.

3. Буйруқ оҳанги ямбик ритм ва юқориловчи харакатлар орқали ифодаланган, яна буйруқ оҳанги хорей ритми ва юқориловчи харакатлар билан ифодаланган:



Ҳайкирик оҳанги Мутал Бурхоновнинг «Шоир орзуси» асарида жуда кўп бўлиб, асосан «Дод» сўзи орқали ифодаланган. У ҳар-хил ритмик кўринишларда берилган:



Монологик нутқда савол оҳанги ўзига хосдир. Сабаби, монологик нутқда кўпинча риторик саволлар мавжуд бўлади. Риторик саволлар учта параметрлар орқали тадқиқ этилади:

1. Риторик саволларни мантиқий характеристикаси;
2. Риторик саволларни психологик ҳолати;
3. Риторик саволларни семантика тузилишининг ўзига хосликлари орқали.

Риторик саволнинг оддий саволдан фарқи шундаки, риторик саволда номаълум нарса ҳақида сўралмайди. Аксинча унга ўз муносабатини ёки бирон бир нарса ҳақида фикр билдиради. Шу орқали риторик саволда маълум бир фикр ўз тасдиғини топади ёки инкор қилинади. Сўзлаётган қахрамон риторик савол бериб, шу захотиёқ эшитувчидан жавобни талаб этмайди¹. Риторик саволнинг ўзи тасдиғини ифодалаб туради. Бундай гапларда оҳангнинг аҳамияти катта бўлади. Масалан, Захириддин Мухаммад Бобурнинг қуйидаги байтида риторик саволни кўришимиз мумкин:

Чархнинг мен кўрмаган жабру-жафоси қолдиму?!

Хаста кўнглум чекмаган дарду-балоси қолдиму?!

Монолог нутқ ҳамда «речитатив»ларда риторик саволлар кўп учрайди. Сўзимизнинг исботи сифатида қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. «Искандар ва унинг ўхшаши» сахнасида риторик савол интонацияси ўзига хос ўрин эгаллайди. Риторик савол оҳанги декломация тарзида ифодаланган бўлиб, асосий тонни ифодаловчи речитация тарзида ва пастга ҳаракатланувчи ёрдамчи товушлар орқали берилган бўлиб, асосий урғу жумланинг охириги бўғинига тўғри келади:

Ўхшаши

Ис - кан - дар - чи, у ни - ма ис - тай - ди? Танг -
ри фар - зан - ди - мас оа - дий Ис - кан - дар оа -
Искандар дий ю - нон ўғ - ли ни - ма ис - тай - ди?
ким - сан ў - зинг
Сла - та - мон де - га - нинг не зот
Сла - та - мон де - га - нинг не зот?

Мутал Бурхоновнинг «Шоир орзуси» балладасидаги «Машраб ҳолини сўргали ким бор?» риторик савол оҳанги сакрашсиз ҳаракат ва катта секунда интервалига юриш орқали ифодаланган:

¹ Бучацкая Л. Риторические вопросы и их стилистическое использование в стиле художественной речи. Автореферат дисс. на соис. канд. иск. –М., 1965.



Мутал Бурхоновнинг «Нега ўлдирмадинг тарк этдинг?» романсидаги риторик савол оханги асосий тонда қолувчи речитатция тарзида ифодаланган:



Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, ўзбек вокал муסיқасида интонама ва риторикани қўлланилиши масалалари, ўзбек муסיқашунослигида ўганилиши долзарб бўлган тадқиқотлардан биридир. Бизнингча муаммони ўрганишда қуйидаги илмий вазифаларни хал этиш талаб қилинади:

- ўзбек вокал муסיқасида интонама ва риторикани ифодаланишини илмий таҳлил қилиш;
- ўзбек вокал муסיқасида уларни ўзига хосликларини аниқлаш ва мавжуд қонуниятларни қайд этиш;
- тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ўзбек вокал муסיқа асарларини таҳлил қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш.

М.О.Оринбоева
ЎзДК эстрада хонандалиги
кафедрасининг катта ўқитувчиси

АЛИШЕР ИКРОМОВНИНГ ИЖОДИЙ ПОРТРЕТИ

Алишер Икромов аллақачон Ўзбекистон муסיқа оламида ўз номини танита олган композиторлардан. Композитор яратган қўшиқлар республиканинг машхур хонандалари томонидан куйланмоқда ва бу асарлар ўз мухлисларини топиб улгурган. Унинг қўшиқлари концерт-ижрочилик репертуаридан, ўқув дастурларидан муҳим ўринни эгалламоқда, шунингдек, кенг кўламдаги муסיқали эстрада шинавандаларини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтга қадар

Алишер Икромов ҳақида махсус илмий тадқиқотлар қилинмаган. Айни ана шу жихат ижодкор ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бир оз фикр юритишимизга, унинг ижодий ўзига хослигини қайд этишимизга изн беради.

Алишер Икромов 1962 йилнинг 9 июнь куни Тошкент шаҳрида, ўз маданий анъаналарига эга зиёлилар оиласида таваллуд топади. Бобоси суюкли набирасининг муסיқага бўлган истеъдодини олдиндан ҳис қилади ва унинг келажакда муסיқачи бўлиб етишишини башорат этади. Фавқулудда муסיқий сезгига эга Алишер олти ёшлигидаёқ В.Успенский номидаги муסיқа мактабига имтиҳонларсиз қабул қилинади. Истеъдодли ёш муסיқачининг келажакига қизиқиш билдирган хайрихоҳ кишилар унинг Москвага бориб ўқишини маслаҳат берадилар. Ана шундай таклифларга қулоқ туган Алишер П.И.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясига ўқишга жўнайди. У ўқишга киради ва уни 1985 йилда муваффақият билан тугаллайди. У консерваторияда Тихон Хренников синфида таҳсил олади.

Кўшиқ жанри устаси бўлган Тихон Хренников синфида ўтказилган машғулотлар бўлғуси композиторнинг ўз ижодий фаолиятини тўғри белгилаб олишига замин яратади. Мазкур синфда ўтказган талабалик йиллари бўлғуси муסיқачининг композиторлик ижодининг кuartет, соната, симфония каби жанрларини эгаллаб олишига имкон беради. Алишер ўзини енгил муסיқада кўпроқ намоён этади. «Афсонавий зинапоя» мюзиклига ёзган муסיқаси ана шу ижодий мойиллик натижаси сифатида дунёга келади. Сўнграқ ёш композитор оперетта, муסיқали комедия, водевиль каби муסיқали сахна жанрларига диққатани қаратади. Алишер Икромовнинг «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи», «Холажон, уйланмоқчиман» каби муסיқий спектакллари Тошкент театрлари репертуаридан мустаҳкам ўринни эгаллади. Шундай спектаклларга ёзилган кўшиқлар ҳам алоҳида ўз мустақил ҳаётига эга бўлди.

Алишер Икромов ўқишни тугатгач, Тошкентга қайтади ва республиканинг муסיқий-ижтимоий ҳаётига киришиб кетади. У Ўзбекистон телевидениесининг муסיқий кўрсатувлар тахририятида ишлайди, Ўзбекконцертда, Ўзбекистон Давлат телерадио кўмитасининг эстрада-симфоник оркестрини бошқаради, унинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлайди. Алишер Икромов мазкур жамоада ишларкан, кўшиқ жанрига алоҳида эътиборини қаратади ва икки юздан ортиқ кўшиқ яратади. Эстрада хонандалари билан ишлаш композиторга ўз маҳоратини оширишга, уни янги чизги, унсурлар билан бойитишига имконият беради.

Аста-секин истеъдодли композиторнинг кўшиқлари Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳам довруқ қозона бошлайди. Бу кўшиқлар «Юрмала – 88», «Парнас сари йўл – 1989», «Юрмала – 87» каби халқаро танловларда янграй бошлайди. Алишер Икромовнинг эстрада учун ёзган кўшиқлари Москвада, Марказий телевидениеда ўтказилган «Кўшиқ –

1990» дастурига кириталади. 1997 йил композитор учун муваффақиятли келади. Алишер Икромов шу йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва 2006 йилда «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» унвони билан тақдирланади. Республика ҳукуматининг, элу юртнинг ана шу эътирофи ижодкорни илҳомлантириб юборади ва янги-янги ижод марраларини эгаллаш сари даъват этади. Ҳозирги вақтда Алишер Икромов баракали ижод қилмоқда, тобора янгидан-янги асарлар яратмоқда, бу борада у айниқса янги кўшиқлар яратишга алоҳида эътибор бермоқда.

Алишер Икромовнинг эстрада кўшиқлари олами бой ва ранг-баранг. Унинг ижодида лирика мавзуи асосий ўринни эгаллайди. Балки ижодидаги бу чизги Алишер Икромов табитан лирик эканлиги билан изоҳланар. Композитор ўз ижодида турли шоирлар шеърятига мурожаат этади. Алишер Икромовни ижодкор сифатида тўғридан-тўғри инсон қалбига йўналтирилган, унинг ҳиссиётларини очиб бера оладиган, таъсирчан ва самимий шеърлар кўпроқ жалб қилади. У кўшиқ яратишда Ойдин Ҳожиева, Азим Суюн, Абусаид Кўчимов, Зулфия Мўминова каби шоирлар шеърларидан фойдаланади. Алишер Икромов мазкур шоирлар шеърятидан ўз эстетик тамойилларига мос келадиган, бунга жавоб бера оладиган ва жўр бўла оладиган туйғулар, кайфият излайди. Алишер Икромов бундай шеърлардан илҳомланиб, тингловчини гўзалликка етаклайдиган ва уни чинакамига тўлқинлантира оладиган бетакрор кўшиқлар яратади.

Алишер Икромов яратган кўшиқларни ўзбек эстрадаси юлдузлари, масалан, Раъно Шарипова, Юлдуз Усмонова, Козим Қаюмов, Кумуш Раззоқова, Пўлат Латипов, Павел Борисов каби хонандалар бажонидил ўз репертуарларига киритадилар. Шу ўринда бир нарсани қайд этиш жоиз: Алишер Икромов истеъдодли композитор бўлиши билан бирга моҳир аранжировкачи ҳамдир. Арам Хачатуряннинг «Спартак» балетидан кўшиқчи Исмоил Жалилов учун қайта ишланган куйни бу фикримизга мисол қилиб келтирсак бўлади.

Алишер Икромовнинг кўшиқ яратишдаги маҳоратини таърифларканмиз, унинг ижоди Ўзбекистон композиторларининг замонавий эстрада ижоди ўзанида кетаётганлигини қайд эта оламиз. Бошқа томондан эса Алишер Икромовни кўшиқ услубининг шаклланишида юқорида қайд этилган аранжировка қилиши ҳам таъсир этди. Мумтоз куйлар, масалан, Жулио Пуччинининг «Аве, Мария» мусикаси, Шуберт, Бах, Гуно каби композиторлар асарларини қайта ишлаши ижодига жуда таъсир этди.

Композитор яратган «Ўзбекистон қайда бор», «Ватан ёшлари», «Ватан» каби ўзининг ёрқин таъсирли оҳанги, ритмик тузилиши, композицияси билан ажралиб турадиган ватанпарварлик руҳидаги кўшиқларини эстрада кўшиқчилиги синфида талабалар ўрганишлари учун тавсия қилиш мумкин. Шоир Абусаид Кўчимов шеърига ёзилган

«Ўзбекистон қайда бор» кўшиғини мазмун жиҳатидан бир вокал дoston деса ҳам бўлади. Бу кўшиқ кенг камровли, ижроси ҳам кенг, тантанали янграшига кўра эпик ҳисобланади. Кўшиқ матни ҳам ўлканинг қадимий шаҳарларини, уларнинг маънавий қадриятлари ҳамда бетакрор гўзаллигини қамраб олиши билан бирга жуда таъсирчан ҳамдир. Бу кўшиқ ёш ижрочиларда ўз она диёрларига нисбатан юракларида муҳаббат туйғусининг куртак ёзишига, давр руҳиятини англаб етишларига ёрдам беради.

Замонавий эстрада кўшиқчилигида театрлаштириш, яъни сахналаштириш унсурларининг мавжудлиги ижодкордан ҳар томонлама маҳорат ва меҳнатни талаб этади. Кўшиқни жажжи спектаклга айлантириш, асарнинг бадиий моҳиятини очиб бериш ана шу унсурлардандир. Алишер Икромовнинг юқорида мисол тариқасида айтиб ўтилган кўшиқларини шундай жажжи спектаклга айлантирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Алишер Икромов ижоди ҳақида баҳс этарканмиз, унинг театр билан яқиндан ҳамкорлик қилганини ҳам айтиб ўтишимиз жоиз. Композитор ҳозирга қадар қирқдан ортиқ спектаклларга мусиқа ёзди. Бу спектакллардан аксарияти республикаимиз ҳудудидан четларда, масалан, Россия, Исроил, Италия давлатларида қўйилди. Айниқса композитор ижодида буюк саркарда, ўзбек давлатчилиги асосчиси, соҳибқирон Амир Темур мавзуига мурожаат этиши аҳамият касб этади. Унинг соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ёзган «Буюк Темур» тарихий операси диққатга сазовор. Ушбу тарихий опера 1996 йилда Алишер Навоий номидаги Давлат Катта академик театри сахнасида қўйилган.

Алишер Икромов Шарқнинг катта шоирларидан Умар Ҳайём ижодига ҳам мурожаат этади. 2006 йил Тожикистонда, С.Айний номидаги опера ва балет театрида унинг Умар Ҳайём рубоийлари асосида ёзган моноопераси қўйилади. У яна Тошкент мусикали драма ва комедия театри учун ҳам қатор мусиқий комедиялар, болаларга бағишланган эртаклар, оперетта, мюзиклларга ҳам мусиқа ёзди. Болаларга аталган «Болаларга йиртқич ҳайвонлар ҳақида» (1993), «Кўпол шоҳ сири» (1995) мусиқий эртаклар; «Мамат кулол» (1993), итальян комедиялари асосида ёзилган «Бевалар меҳрибони» оперетталари; юқорида ҳам қайд этиб ўтилган «Афсонавий зинапоя» (1986), «Холажон, уйланмоқчиман» (2004) мюзикллари аҳамиятлидир. Композитор Муқимий номидаги мусикали драма ва комедия театри билан ҳам яқин ҳамкорлик қилади. 1999 йилда сахнага қўйилган Ф.Файзиевнинг «Тилло тухум» либреттосини ана шу ҳамкорлик маҳсули дейиш мумкин. Зеро, унинг театр билан ҳамкорликдаги ижодини санаб ўтарканмиз, Шарқнинг буюк алломаси Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган, 1998 йилда Қўқон мусикали драма театри сахнасига қўйилган «Башар алломаси» спектаклини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Алишер Икромов драматик театр билан яқин ҳамкорликда ишлади. Бунга 1993 йил Ўзбекистон Миллий драма театрида Гафур Гуломнинг «Шум бола» асари бўйича яратилган мюзикли, У.Шекспирнинг «Қирол Лир», 1994 йилда «Ноёб нусха», «Яхшилик қолурму» спектаклларига ёзган мусиқалари мисол бўла олади. Алишер Икромовнинг мусиқали театри билан ижодий ҳамкорлиги 1987 йилда итальян драматурги «Бахтиёр гадолар» асосида яратилган спектаклга ёзган мусиқаси билан бошланди. Композитор Ўзбекистон кўғирчоқ театри билан ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Алишер Икромов ушбу театр учун 30га яқин спектаклларга мусиқа ёзди. Ҳозирда бу театр сахнасида «Нўхат полвон», «Иссумбоси» (япон халқ эртаги асосида) Х.Х.Андерсеннинг «Қор маликаси» асари асосида қўйилган ва Алишер Икромов мусиқа ёзган спектакллар муваффақият билан ижро этилиб келмоқда. «Яна Андерсен» спектакли эса С.Образцов номидаги Москва кўғирчоқ театрида ўтказилган фестивалда соврин билан тақдирланди. Яна у мусиқа ёзган «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи», «Ким миёв деди?», «Простоквашино таътиллари», «Қувноқ томоша», «Хазина излаб» ва бошқа шу каби спектакллар ҳам диққатга сазовор.

Кўриниб турибдики, композитор Алишер Икромов ҳам кўшиқ жанрида, ҳам театрлар билан баракали ҳамкорлик қилган ҳолда сермахсул ижод қилиб келмоқда. Ижодкор қайси жанрда бўлмасин, халқни ўзининг ажойиб ва бетакрор куй-кўшиқлари хали кўп хурсанд қилади. Бунга ишончимиз комил.

Н.Т.Ҳамдамова
ЎзДК мусиқий шарқшунослик
кафедраси аспиранти

ХАЙАЛ ЖАНРИ

Ҳинд мусқа санъатида мумтоз йуналишга хос булган жанрлар қаторида «хайал» алоҳида ўрин тутлади. Хайал, рага услубига яқин ҳолда ва яратилган даврида халқ орасида оммалашган дхрупад жанри таъсирида юзага келганлиги манбаларда таъкидланади. Унинг шаклланиш даври ҳам Амир Хусрав Дехдавий замонасига хос лиги хусусида маълумотлар мавжуддир. Хайал сўзи ҳинд амалиётида, ибора сифатида турлича қўлланилиб келинади. Жумладан: Хайал (خیال) медитация, кайфият, тасаввур маъноларини билдиради. Дхрупад¹ жанрига нисбатан мусиқада алоҳида жанр сифатида шаклланганлиги, ўзига хос хусусиятлари

¹ Дхрупад – ҳинд мумтоз мусиқий жанрларидан бири, рагалар йўлида ёки асосида юзага келган жанр дейиш тўғрироқ бўлади. Шакл жиҳатидан унчалик мураккаб эмас, лекин уларнинг таркибий жиҳатлари ривожланиш мезонларида мумтозлик хусусиятлари мавжуд.

мавжудлиги билан ажралиб туради. Яъни, хайал эркин ва ҳеч қандай қонуниятларга буй сунмайди. Бундай таркибни инобатга олинса, унга кўпроқ, тасаввур маъноси тўғри келиши эҳтимолдан холи эмас;

- Санскрит тилида хайалнинг «khela» (खेल) ўзаги драматик ижро маъносини англатиши билан бир қаторда жисмоний, севилган, қувноқ, маъноларини ҳам билдиради. Агар «khela» сўзини «pada» кўшимчаси билан тусласа, яъни «ichelapada» сузи жисмоний қадам маъносини англатади. Шу ўринда агар дхрупад сузига ҳам «pada» кўшимчаси қўшилса, оғир, қатъий қадам маъноси келиб чиқади. Дарҳақиқат, хайал жанрига нисбатан дхрупад жанрининг суръати оғир, усули қатъий бўлса, хайалнинг сурати енгил, усули эса эркинрокдир. Шу сабабли юқоридаги кхаялга берилган «енгил қадам» маъноси ҳам жанр таърифига мос келади.

Хайал сўзи Ражастан¹ даги «khalal» шева шакли булиб, халк уйинини ижро этиш маъносини билдиради. Хайал композицияси драматик ижрода талқин этилиши, кўплаб драматик унсурларни ўз ичига олганлигини инобатга олган ҳолда хайалнинг илк кўриниши кўшиқ жанрига хос дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳар бир мусиқий ибора турли аҳамиятга эгаллиги сир эмас. Балки, хайалда ҳам яна бошқа маънолар мавжуд бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қандай янгилик асар, шакл, жанр, услуб соҳасида бўлмасин, унинг асоси ва негизи амалиётда мавжуд бўлиб келган ва амалиётда мустаҳкам ўрнини эгаллаган асарлар, шакл, жанр, услубларнинг таъсири остида пайдо бўлади. Хаялнинг жанр сифатида тарихий шаклланиш жараёни 400 йилни қамраб олади. Бу жанрни хронолагик тартибига назар солар эканмиз, ҳинд мусиқаси тарихчиларининг фикрлари турлича эканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, Ваманрао Дешпанде ўзининг «Maharashtra's Contribution to music» («Маҳараштрия мусиқаси мероси») китобида: «Амир Хусрав ижоди давомида кўплаб мусиқий янгиликлар киритганини шулар қаторида хайал жанрини яратганлигини таъкидлайди».²

Виллорд Августоснинг «A treatise of music of india» («Ҳинд мусиқа монографияси»)да хайал жанри ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради: «Илк бор у прабандх.³ кўринишида бўлган ва бу жанр дхрупаддан сўнг санъатнинг юқори жанрига айланди»⁴. Дарҳақиқат бу жанр дхрупадга нисбатан мусиқа шинавандалари кўнглидан алоҳида жой эгаллаганлигининг сабабларидан бири, хайал суръатининг енгиллиги ҳамда усулининг эркинлигидир. Шу билан бирга ҳар бир шароитга мослаша олиш хусусиятига эга эканлигидадир. Яъни, тингловчи билан

¹ Ражастан Ҳиндистон марказида жойлашган штат.

² D.Vamanrao. Maharashtra's Contribution to music. –New Delhi., 1972. –P. 3.

³ Прабандх хинд тилида тузилма, боғловчи маъноларини билдиради.

⁴ Willard N. Augustus. A treatise of music of india. –Calcutta., 1962. –P. 68.

ижрочилар орасидаги жонли мулоқотни пайдо бўлиши ҳамда ўзига хос ривож топишидир. Бу мулоқот эса бадихагуйлик услуби орқали амалга оширилади.

М.В.Дхонд эса «The evolution of khyal» («Хайал эволюцияси») китобида «Дхрупад шакли Ража Маан Гвалеор томонидан яратилган бўлиб, хайал унинг таъсири остида пайдо булган»¹ деб ёзади. Г.Х.Ранаде эса, ўзининг «Махараштрия живан» (Махараштра даврида мусиқа) «Мутил империясининг султони Муҳаммад шохнинг (1719-1748) ҳукмронлик қилган даврида Ниямат Хон сарой мусиқачиси эди. Хайал жанри эса айнан унинг ижодида пайдо бўлган ва ривож топган»² деган фикрни олға суради.

Рави Шанкар бу хусусда қуйидагиларни баён этади. «Олимлар шуни таъкидлашадики, Амиир Хусрав – XIII асрнинг буюк шоир-мусиқачиси хайал жанрини машхурлаштирган ва унга бу номни берган бўлиши ҳам мумкин»³.

Келтирилган фикрлар бир бирига қарама қаршилигини шу билан бир қаторда тўлдиришини гувоҳи бўлиш мумкин. Ранаде келтирган маълумотда Муҳаммад шох, сарой мусиқачиси Ниямат Хон даврида ривож топган бўлса, Дхонднинг фикрича, Гвалиор дхрупад жанрини яратган ва унинг таъсири остида кхял жанри пайдо бўлганлигини эътироф этган. Дешпанде эса кхял жанрини Амир Хусрав ижодининг маҳсули эканлигини таъкидлайди. Агар бу ижодкорлар яшаган даврга назар солсак, А.Хусрав 1253-1325, Муҳаммад шох, 1719-1748 й. ва Ража Маан Гвалиор эса 1486-1526 йилларни қамраб олади. Ҳар уччала ижодкорларнинг яшаган даврлари орасидаги фарқ, бир неча юз йилликни кўрсатади. Гвалеор билан Дехлавийнинг яшаган даври сал кам 200 йилга фарқ қилади. Шундай экан, Гвалиорни ижодидан олдин ҳам амалиётда кхял жанри мавжуд бўлган, Муҳаммад шох, даврига келиб эса бу жанр ривожланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, Гвалеор ва Ниямат Хон яшаган давр орасида 300 йил фарқ бор.

Дешпанде хайал пайдо бўлганлигини XIV асрда Амир Хусрав ижоди билан боғлаган. Муаллиф бунга қолган барча юқорида келтирилган маълумотлардан кўра кўпроқ, ишонарли маълумот эканлигини «хайал жанрини 400 йил ичида ривожланган» деган фикр тасдиқлайди. Ранаде таъкидлаганидек, хайал Ниямат Хон даврида пайдо бўлган бўлса, тарихдан маълумки, Ниямат Хон Муҳаммад шох, султонлик даврининг, яъни 1719 йили унинг саройига хизмат қилишга ўтади ва 1731 йили Ниямат Хон вафот этади. Ранаде «Ниямат Хон кхялни унинг саройида хизмат қилган даврда яратган»⁴ дейди. Бу даврга келиб эса кхял 12 йил ичида нафақат шимолда, балки Махараштрада ҳам машхур бўлиб қолган эди. Одатда ҳар

¹ M.V.Dhond. The evolution of khyal.. –New Delhi, 1998. –P. 4.

² Ranade G.B. Maharashtra-Jivan. –Puna, 1960. –P. 285.

³ Р.Шанкар. Богатсво стилей. Музыка Азии и Африки. Вып. 5. –М., 1987. –С. 337.

⁴ Ranade G.B. Maharashtra-jivan. –Puna, 1960. –P. 285.

қандай янги мусиқий жанр мустаҳкам шаклланишига, ўз ўрнини топишига 10 йил керак бўлади. Бундан ташқари бошқа худудларга тарқалиши учун эса албатта бундан кўпроқ вақтни талаб қилади. Шундай экан, хайал Ниямат Хон томонидан яратилган деган фикр янглишдир. Аксинча, қайта тиклаш жараёнига ҳисса қўшган дейилса тўғрироқ бўлади.

Шри Дешпанде маълум қилганидек, хайал жанрининг генезиси «Амир Хусрав ва Гопал Наяклар ижодий ҳамкорлигининг маҳсулидир»¹. Уларнинг ижодий ҳамкорлиги султон Аллоуддин Хилжий (1296-1325) ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Махараштранинг машҳур шоирларидан бири Намдев, (1260-1350) хайал ҳақида ўзининг шеърларининг бирида дхрупадни диний, хайални эса енгил жанрдаги қўшиқ, деб тасвирлайди. Дхрупад қатъий тала (усул)ида ижро этилса, хайал эса эркинроқ, усулда ижро этилганлигидан далолат беради. Ранате Дешпанденинг фикрига қарши чиқади. Унинг фикрича «Қисқа давр ичида жанр бу даражада машҳур ва анъанавий бўлиши мумкин эмас»². Агар шоир Нам дев 90 ёшида 1350 йили вафот этган бўлса ва юқорида келтирилган шеър 1340 йили шоир 80 ёшида ёзганлигини инобатга олинса, унда Дешпанденинг фикри тўғри ҳақиқатга яқинроқ, эканлигини эътироф этиш мумкин.

Сарангдеванинг «Сангита ратнакар» китобидаги маълумотларда кўра «хайал жанри Махараштрада 100 йил илгари пайдо бўлган»³лигини таъкидлайди. Бу маълумотга кўра хайал жанри Амир Хусрав давригача бўлган деган фикрни илгари суради.

Амир Хусрав, Ниямат Хонлардан ташқари Bhatkhande V.N. «Hindustani sangita paddhati» китобида учинчи мусулмон «жайпур»⁴лик султон Хусайин Шеркуа хайал жанрининг асосчиси тахмини ҳам бор»⁵ дейди.

Юқорида келтирилган барча маълумотлардан шуни англаш жоизки, хайал жанри мусулмон ижодкорлари томонидан яратилган ёки ривожлантирилган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хайал жанри мусиқаси мусиқачилар томонидан бойитилган ва сайқалланган. Хусрав Делавий ижодидан бошлаб эса бу жанрга янгидан-янги ранго-ранг безаклар беришиб, тингловчилар учун ёқимли ҳамда уларни ўзига жалб қилиб ижро этишган. Бу эса ўз навбатида келажак авлодга беназир, бебаҳо мусиқий бойлик сифатида мерос бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда хайал мумтоз мусиқа намунаси сифатида Ҳиндистон, Покистон, Бенгал каби Шарқ мамлакатлари мусиқа маданиятида сеvimли, кенг оmmалашган, қалblарга ором берадиган жанрлардан бири

¹ D.Vamanrao. Maharashtra's Contribution to music. –New Delhi, 1972. –P. 5.

² Ranade G.B. Maharashtra-jivan. –Puna, 1960. –P. 290.

³ Sarangadeva. Sangita Ratnarara. III. –Адыр, 1959. –P. 87.

⁴ Жайпур – Ражатхан штатининг пойтахти.

⁵ Bhatkhande.V.N. Hindustani sangita paddhati. –Bombay, 1910. –P. 94.

ҳисобланади. Таркибий жиҳатдан хайал икки катта қисмдан иборат, яъни – «стхай» ва «антара». Одатда, биринчи қисм пастки ва ўрта октаваларда ижро этилади ва ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бадиҳавийлигидадир. Табиатан унинг таркибидаги бадиҳагуйлик, ўзгарувчан куй жумлалари жой олган. Ижрода овоз ва чолғу ижроларининг бир-бирига муштараклиги жуда муҳимдир. Иккинчи қисм «антара» «стхай»дан кейин ўрта ва юқори октаваларда ижро этилади. Иккала қисм ҳар бирини тўлдириб, раганинг тўла бир шаклини намоён этади.

Жанрнинг бадиҳавийлик хусусиятлари доирасида басталанган хайални ижро этишнинг турли хил услублари мавжуд. Асарни моҳир ижрочи ҳамиша ўз ҳаёлида жойлаштириб олиши лозим ва асосий куй ўзагини муносиб тарзда ривожлантириб тингловчиларга яхши кайфият бахш этиши лозимдир.

Хайал ҳар қандай моҳир санъаткор ижросида гўзал шакл топиши мумкин¹.

Амалиётда хайалнинг икки, яъни «бара»² ва «чхота»³ бўлимлари юзага келган. Бара хайал одатда секин суратдаги «алап» қисми билан бошланади ва ижро давомида аста секинлик билан тезлашиб ўрта темпга ўтади.

Хайал матни билан бир ёки икки (туркумли) усулда ижро этилганидан сўнг, унинг таркибидаги «усул» туркумларини давом эттириш мақсадида алап киритилиши мумкин. Яъни бадиҳавий қисм. Ижрочи уни ривожлантириб эркин ижро қилишга ўтади. Бадиҳанинг ўзи бир неча бўлакка бўлиниши мумкин, ҳар бир бўлак бадиҳадан сўнг ижроси яна «сам»⁴га асосий пардага қайтмоғи лозим⁵.

Антара қисмида куй намуналари тобора тезлашиб ва мураккаблашиб боради. Ижро этиш жараёнида қулай фурсат келганда «чхота» хайал бошланади, яъни мусиқа тезлашади ва ундаги авж матн вариациялари туркумини яқунлайди. Ашула якунида туркумдаги биринчи усулга яна қайтиб келинади. Хайал жанри тўрт хил ижро услуби, яъни мактаби мавжуд. Булар; Гхарана, Гвалеор, Агра, Рангила гхдрана⁶.

Ўтмиш рисоалари ва олимларнинг маълумотлари асосида қаввали ва хайал жанрларининг амалиётга мос шакл топишида Амир Хусрав Деҳлавийнинг хизматлари аҳамиятли эканлигини эътироф этиш лозимдир. Ҳинд рагалари асосида Ўрта Осиё мусиқасининг турли жиҳатлари билан бойитиб ўзига хос намунасини шакллантиради. Хайал эса, амалиётда мавжуд дхурпаддан келиб чиққан, ўзгача характердаги мусиқий шакл ихтиро этилади. Бунда Амир Хусрав Деҳлавийнинг хизмати жанрларни

¹ Аъзамова.М.Р. Бобурийлар даври мусиқа маданияти. –Т., 2007. 33-б.

² Бара ҳинд тилида катта маъносини билдиради.

³ Чхота ҳинд тилида кичик маъносини билдиради.

⁴ Сам – туркумдаги биринчи усул.

⁵ Аъзамова М. Бобурийлар даври мусиқа маданияти. –Т., 2007. 33-б.

⁶ Бу мактаблар ҳақида М.Аъзамованинг «Бобурийлар даври мусиқа маданияти» магистрлик диссертациясида батафсил маълумот берилган.

шакллантириш, халқоналик жиҳатлар билан суғориш ва оммавийлигини таъминлаш бўлган дейилса, тўғрироқ бўлади.

Д.Р.Шукурлаева

соискатель

НИИ Искусствознания

ТРАДИЦИИ М.РАВЕЛЯ В ТВОРЧЕСТВЕ КОМПОЗИТОРОВ УЗБЕКИСТАНА

Творчество Мориса Равеля сегодня известно не только во Франции, но и, практически, во всем мире. Многожанровое наследие композитора, неразрывно слитое с традициями французской и испанской национальных культур, также впитало элементы музыкального импрессионизма, классицизма, романтизма, экспрессионизма, джазовой музыки. Следовательно, обобщив и обогатив лучшие достижения предшествующих эпох, Равель создал свою оригинальную манеру письма, которая до сих пор привлекает внимание.

Равель стоит у истоков формирования современного искусства. Его музыкальный синтаксис обладает качественно новыми показателями, проявившимися и на художественном и на техническом уровне сочинений. Сергей Прокофьев указывал, что в музыке Равеля «мы находим многое, чему нам следует поучиться и, в частности, виртуозной оркестровке, и, в частности, гармонической»¹. Он довел до высочайшего совершенства технику импрессионистского оркестра, а затем пришел к новому, далеко выходящему за его пределы, как это показывают партитуры хореографической поэмы Вальс, фортепианных концертов или Болеро.

Динамичность музыки Равеля, обусловленная потенциалом ритмической энергии, сопряженностью мелоса, гармонии и оркестровой фактуры, органичностью музыкального языка и законченностью художественного выполнения дала твердую опору многим прогрессивным композиторским школам. Его достижения в области музыкального синтаксиса, оркестровки и драматургии традиционно, иной раз неосознанно, вошли в стиль композиторов XX века (М. де Фальи, А.Онеггера, Г.Малера, Б.Бартока, З.Кодая, К.Шимановского, С.Прокофьева, Д.Шостаковича, А.Хачатуряна и многих других).

Воздействие Равеля на музыкальную культуру Узбекистана происходило многообразно. Здесь можно говорить и об общеэстетическом влиянии, и о музыкально-творческом воздействии методов французского автора. Так памяти любимого композитора свои сочинения посвятили

¹ С.С.Прокофьев. Материалы. Документы. Воспоминания. –М., 1956. –С. 326.

С.Карим-Ходжи (хореографическая поэма), Г.Мушель (Фортепианный квинтет, Песня без слов для валторны с фортепиано). Те или иные принципы письма Равеля обнаруживаются в Вальсе Б.Надеждина.

Жанр «Волшебной лампы Аладдина» С.Вареласа, как и «Дитя и волшебство» Равеля, можно определить как опера-балет. В ней также много хореографических сцен, естественно вплетающихся в развитие действия (танцы «Фей», «Пауков», «Скелетов», «Змеи» и другие), и широко используются жанровые элементы (вальс, хабанера, марш, гимн). Более того, как и в операх «Дитя и волшебство», «Волшебная лампа Аладдина», при обилии музыкального материала (относительно законченные сольные номера, ансамбли, хоровые и танцевальные эпизоды), проявляется принцип «кинокадровости».

Ритмический и интонационный строй одной из пьес «Силуэтов» для фортепиано Д.Янов-Яновского претворяет джазовые элементы Концерта для фортепиано с оркестром ре-мажор и Блюза из скрипичной сонаты Равеля. Подобно упомянутому концерту пьеса написана для левой руки, где автор достигает не только полноты, но и своеобразия звучания инструмента в соответствии с образным содержанием. Вместе с тем это один из интереснейших примеров равелевской гармонии, выраженной в полнозвучных пассажах, в лентах параллельных трезвучий, септаккордов и внутренних педалях.

Особый интерес к творчеству французского композитора проявил Г.Мушель. Ещё в годы учебы в Московской консерватории он говорил: «Дебюсси и Равель стали моими богами. Разумеется, и стиль моих сочинений очень близок импрессионизму»¹. Однако с творческими методами Равеля композитора сближают не только «живописные» приемы. Он также не прошел мимо влияния джаза («Развлекательная сюита», Вальс-бостон, «Экзотический танец»), и некоторые сюиты Мушеля, как и многие симфонические партитуры Равеля, возникли из музыки к балетам («Кашмирская легенда», «Балерина»).

Показательно, что Квинтет для двух скрипок, альты, виолончели и фортепиано (1945) был написан к 75-летию со дня рождения Равеля. Это произведение словно овеяно духом любимого композитора. Каждая из его частей – «Утренние сады», «Танец девушки», «Сказка», «Хорезмская пляска», навеяна впечатлениями жизни, преломленных сквозь призму поэтического восприятия. Здесь проявился и синтез живописной инструментовки с жанровой определенностью, свойственный стилю Равеля.

Сюита «Музыкальный вернисаж» для малого симфонического оркестра и солистов (1965) Мушеля представлена десятью разнохарактерными пьесами и некоторые из них посвящены любимым

¹ Цит. по Вызго Т. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. –М., 1970. –С. 205.

композиторам автора, соответственно отражены и отдельные черты их музыкального стиля. Однако влияние Равеля заметно не только в посвященной ему пьесе «Памяти М.Равеля», но и на всем цикле.

Подобно многим страницам музыки Равеля, живописный колорит «Вернисажа» раскрывается, прежде всего, оркестровыми средствами. В каждой пьесе Мушеля солирует один из инструментов (иногда два) оркестра. Стремительно проносятся «Арабески», где ощущение далекой перспективы создает сопоставление двух однотипных инструментов – флейты и флейты-пикколо. Широко разливается сосредоточенно-задумчивая тема валторны в части под названием «Надгробие Навои», выдержанной в духе узбекской песенной лирики. Соло тромбона в «Героическом речитативе» вызывает ассоциации с патетически взволнованной речью оратора-трибуна. В «Праздничном дне» соло трубы сопоставляется с соло малого барабана, что воспроизводит оживленную атмосферу народного праздника, финал сюиты.

Драматургия цикла построена по принципу «равелевского» крещендо – постепенный подъем тембрового и динамического напряжения. Начав со струнной группы в Увертюре композитор последовательно вводит новые инструменты в расчете на солирующие духовые, доводя состав оркестра до туттийного звучания.

Исключительный знаток симфонического оркестра А.Козловский не мог пройти мимо того богатства оркестровых средств, которое внес в музыку Равель. Как и у французского автора, все элементы фактуры его музыки изначально оркестровые, то есть, задуманы для исполнения определенными тембрами или их сочетаниями; в рисунке мелодии, в ритмической фигуре, в звучании гармонии всегда содержится нечто, непосредственно идущее от реальных технических и выразительных возможностей инструментов.

Со стилем Равеля Козловского сближает и тяготение к построению протяженных мелодических линий с постепенным увеличением тембровой напряженности звучания оркестра («Лола»); и обилие эпизодов с солирующими инструментами, и выдвижение группы деревянных духовых инструментов в качестве мелодической (флейта, кларнет в «Лоле», фагот в «Тановар»). Характерной чертой оркестровки Козловского стало и импрессионистское обогащение ведущего тембра оттенками других инструментов, дополняющих образное содержание музыки – засурдиненная труба, окутанная поющими голосами струнных и деревянных духовых инструментов в «Утро праздника» из «Каракалпакской сюиты»; соло фагота, обостренное глиссандирующими короткими интонациями скрипок и альтов в «Тановар».

Одним из известнейших сочинений стала хореографическая поэма «Памяти Мориса Равеля» (1973-1974) Сабира Карим-Ходжи. При её создании автор, несомненно, ориентировался на знаменитое Болеро. Он

применил сходный принцип постепенного фактурного, тембрового и динамического обогащения неизменного мелодического образа. В основе поэмы лежат две памирские темы. На слух малоконтрастные, со своеобразным ладогармоническим колоритом, они близки по мелодико-ритмическому рисунку, чем производят впечатление единой мелодии, развивающейся из одного зерна. Тоже мы наблюдали и в темах Болеро, логично дополняющих друг друга.

Как и в Болеро оркестровая фактура поэмы Карим-Ходжи имеет три оstinатных пласта: мелодический, ритмический и гармонический. В целом, оstinатную форму мы определяем как моносмысловую, ибо все её элементы (пласты) поданы в слиянии и не стремятся к семантическому самоопределению.

Аналогично партитуре Равеля в ритмический оstinатный пласт автор вводит лейттебр (дойра), однако не сохраняет его до окончания. Через тембр нагоры основной ритмический рисунок переходит к партии малого барабана. Также автор допускает симметричные изменения в ритмическом пласте. Точнее вводит фактурно-ритмические мутации в условиях сохраняемой ритмоплотности для создания постоянно действующего подвижного фактора в системе соотношения трех основных пластов. За исключением экспозиционного проведения первой темы, где основной ритмический рисунок озвучивает дойра, ритмический оstinатный пласт постоянно образует многослойную ритмическую структуру. В заключительных проведениях мелодического материала автор вводит ритмоформулу Болеро, звучащую параллельно основному ритмическому пласту. Таким образом, образуются две контрапунктирующие ритмические группы.

Ладово-гармоническое оформление поэмы тоже оstinатно. Оно не воздействует энергией функциональных смен. Индивидуальность же гармонических комплексов автор подчеркивает не столько динамикой аккордовых смен, сколько «фактурой аккорда» и характером его взятия. Сумма этих показателей и обнаруживает индивидуальное наклонение гармонического пласта, характер гармонико-колористического движения.

Одним из почитателей таланта Равеля является известный композитор, исполнитель и педагог Феликс Янов-Яновский. «Оркестровые находки Равеля заметно применялись композиторами Узбекистана, – говорит композитор, – в частности, на меня наибольшее воздействие оказали испанские вещи и партитура «Дафниса и Хлои», являющаяся вершиной колористического письма»¹.

Самым любимым сочинением Равеля Янов-Яновский назвал Концерт соль мажор для фортепиано с оркестром. В своей опере «Аккомпаниатор» композитор прибегает к оркестровым эпизодам-цитатам, одним из которых

¹ Из личной беседы автора с Ф.Янов-Яновским в 2009 году.

стала II часть названного концерта, используемая в качестве особого психологического приема – воспоминания героя о своем концертном прошлом. В целом оркестр в операх Янов-Яновского, как и у Равеля играет не только изобразительную и выразительную роль, но и является мощным средством демократизации музыкального языка («Аккомпаниатор»).

Оркестровая фактура оперы Ф.Янов-Яновского «Принцесса на горошине» (2007), которую мы определяем как гомофонно-полифоническую, несомненно, отражает ряд принципов свойственных почерку Равеля. Прежде всего, это выразилось в дифференцированной трактовке оркестровых групп и отдельных тембров, четко разработанной тембровой драматургии. В фактуре сопровождающих пластов, состоящих из нескольких элементов: протянутая гармония-педаля, ритмо-гармоническая пульсация, различного рода фигурации и самостоятельный бас.

В заключение отметим, что рассмотренные нами сочинения относятся к самым разнообразным жанрам, от фортепианной миниатюры до развернутых симфонических полотен и сценических произведений, что говорит о масштабности воздействия Равеля на творчество композиторов XX столетия и жизнеспособности его традиций в начале XXI века.

Ж.А.Мартиросова

*аспирант НИИ Искусствознания,
преподаватель кафедры
истории музыки и критики ГКУз*

ЦИКЛЫ «ВРЕМЕНА ГОДА» В КОМПОЗИТОРСКОМ ТВОРЧЕСТВЕ НА ПЕРЕСЕЧЕНИИ ИСТОРИКО-СТИЛЕВЫХ КООРДИНАТ

Круговорот времен года, стабильная повторяемость природного цикла находит художественное воплощение в многочисленных произведениях крупнейших представителей мировой литературы и искусства разных эпох и стилевых направлений. Обращаясь к этому объективному процессу, каждый художник выражает свое собственное видение. Разнообразные способы воплощения темы времен года подтверждают ее статус в качестве универсальной и потенциально неисчерпаемой. Отсюда следует, что при ее изучении так важно принимать во внимание субъективные «параметры» толкования природного круговорота и осмысливать их с учетом специфики исторического, национального и индивидуального творческого мышления. В композиторском творчестве подход к теме времен года эволюционирует в тесной взаимосвязи с философией и эстетикой. Ключевую роль здесь играет стиль, который влияет и на сам замысел, и на художественные задачи воплощения темы, что позволяет проследить

трактовку универсального по своей сути объекта в исторической ретроспективе.

Эпоха барокко представлена циклом концертов «Времена года» Антонио Вивальди¹. Примером воплощения темы в эпоху классицизма может служить оратория «Времена года» Йозефа Гайдна². XIX век – период возрастающего индивидуально-личностного начала в художественном творчестве показан романтической трактовкой темы в фортепианном цикле «Времена года» Петра Чайковского³. В одноактном балете «Времена года» Александра Глазунова можно выделить влияние модерна⁴.

В XX веке художественное воплощение тема времен года вступает в новый этап развития. Возросшее количество и качественное (стилевое) многообразие подходов связано здесь с предельной индивидуализацией замысла. Полифония стилей и направлений, смелость предпринимаемых экспериментов, расширение смысловых акцентов и ракурсов в сочетании с многообразием выбора в палитре выразительных средств, образуют множественность порой противоречивых концепций и драматургических решений, основанных на общей идее природного цикла. Вместе с тем, этот период музыкального искусства репродуктивно вбирает в себя достижения прошлых эпох, и во многом на их основе выдвигает новые решения. Отсюда в воплощении темы времен года отчетливо прослеживается ее многоуровневая концептуальность. При этом индивидуальное начало всегда имеет превалирующее значение. Большой интерес в этом смысле представляет собой специфика национального своеобразия в интерпретации темы композиторами различных национальных школ.

В цикле песен «Времена года» русского композитора Валерия Гаврилина избранный сюжет раскрывается в тесной взаимозависимости с народным искусством. Календарно-обрядовый подход к теме, находит отражение на новом этапе развития русской музыки в русле неофольклоризма⁵. Во «Временах года» для инструментального квинтета аргентинского композитора Астора Пьяцоллы применен подход к осмыслению явлений природного круга через призму такой характерной черты музыки XX века как стилизация. Работа по жанровой модели танго

¹ Белецкий И. Антонио Вивальди. –М., 1975, Ливанова Т. Проблема стиля в музыке XVIII века // Ренессанс барокко классицизм. Проблемы стилей в западноевропейском искусстве XV-XVII веков.

² Новак Л. Йозеф Гайдн. М., 1973, Кремлев Ю.А. Йозеф Гайдн. Очерк жизни творчества. –М., 1972.

³ Чайковский П. Полное собрание сочинений. Литературные произведения и переписка. Т.5. –М., 1959.

⁴ Скворцова И. Стиль модерн и русская музыка рубежа XIX-XXвеков. // Музыкальная академия. 2005, №4.

⁵ Варламов Д. Музыкальный фольклор и неофольклоризм: особенности семантики и языка // Музыковедение. 2007, № 8.

является основой, не только данного произведения, но и определяет свойства индивидуального стиля в целом. Немецкий композитор Карлхайнц Штокхаузен в своем цикле «Знаки зодиака» осмысливает времена года в контексте космологических представлений. В цикле «Знаки Зодиака» композитор освещает годичный круговорот двенадцати небесных знаков и двенадцати типов человеческих характеров¹.

Восточная версификация темы времен года наиболее ярко представлена на примере произведений Бориса Арапова, Феликса Янов-Яновского и Мустафо Бафоева. «Четыре времени года» для сопрано, тенора и инструментального нонета Бориса Арапова на тексты японских хокку – цикл, состоящий из пяти вокальных и трех инструментальных частей. Процессуальность смены времен года сопровождается характерными природными характеристиками каждого сезона (пение соловья и проливной майский дождь; бабочки и раскаленный воздух; черный ворон и затянутое небо; быстрая езда на санях). Природный тетрактис от весны к зиме с вставными инструментальными интерлюдиями сочетает беглые впечатления-зарисовки, а как второй условно-ассоциативный план выявляются параллели с периодами человеческой жизни².

В творчестве Феликса Янов-Яновского тема раскрывается в тесной взаимозависимости с японской и китайской поэзией. Это четыре миниатюры «Времена года» для голоса и фортепиано на стихи Мацуо Басё; маленькая сюита «Элегии» для сопрано и камерного ансамбля на стихи Сумако Фукао; четыре миниатюры «Грустные песни» для голоса и фортепиано на стихи Бо Цзюй-и, Ли Бо, Оно-но Комати, Ду Фу. Общность поэтических источников выступает в роли объединяющего фактора, углубляющего философско-психологический подтекст в каждом из циклов. В цикле «Элегии» процессуальность в смене времен года трактуется через призму любовно-лирического содержания, где романтический подтекст завуалирован иносказательностью выражения. В цикле «Времена года» находит воплощение пацифистская идея мира, отсюда трагизм прерванного жизненного пути³. В цикле «Грустные песни» необратимость жизненного круга и одновременно обратимость, бесконечность природного, передаются через субъективное отношение героя к окружающему миру.

В четырех фресках «Времена года» Мустафо Бафоева – программной сюите, с конкретизирующими подзаголовками: «Гуллар таровати» («Аромат цветов» – весна); «Меҳнат яллеси» («Трудовая песня» – лето); «Меҳргон оҳанглари» («Праздник урожая» – осень); «Мозийдин садо

¹ Stockhausen K. Texte zur Musik. Band 5. DuMont Buchverlag. –Köln, 1989.

² Данько Л. Борис Арапов. –Л., 1980.

³ Чахвадзе Н. Феликс Янов-Яновский // Композиторы союзных республик. Вып. 6. –М., 1988.

келадур» («Звуки из прошлого» – зима) – последовательность картин природы не ограничивается изобразительно-прикладной функцией. Произведение, изначально задуманное как музыкально-сценическое представление, было приурочено к юбилею А.Навои. Времена года трактуются в нем в метафорическом ключе, ассоциируясь с этапами жизни поэта. Программное содержание раскрывается с опорой на Семнадцатую беседу «О временах года и возрастах жизни людей» из поэмы А.Навои «Смятение праведных». Композитор выстраивает природный круговорот жизненных явлений, задаваясь вопросом о смысле жизни, и конечности земного пути, но одновременно здесь раскрывается исповедь героя, постигающего гармонию окружающего мира. Схожий акцент на обрядово-трудовой стороне годичного цикла и параллельно его проекция на этапы земного пути заставляет вспомнить ораторию Гайдна.

В начале XXI века тема времен года получает воплощение в произведениях узбекских композиторов Акрама Хашимова и Хабибуллы Рахимова. Цикл «Времена года» для тромбона и фортепиано А.Хашимова – это четыре зарисовки образов природы, которые композитор, отталкиваясь от общей программной идеи, раскрывает посредством ассоциативной трактовки. Программные подзаголовки: «Зима», «Весна пришла», «Летние прогулки», «Осенние пейзажи» фокусируют ракурс и определяют замысел. Образно-драматургическая концепция четырех составных пьес представляет собой синтез национальных и европейских художественных традиций. В этом цикле механизм смены времен года предстает не как объект изображения, а скорее импульс к созданию различных образов и настроений.

Цикл «Времена года Ташкента» для оркестра народных инструментов Хабибуллы Рахимова представляет собой оригинальное прочтение избранной темы¹. В сюите четыре части: «Зима в Ташкенте. Снежная буря», «Утро весны», «Лето. Танец фонтанов» и «Осень. Праздник урожая». Композитор составляет цикл из контрастных образов, каждый из которых находится в русле взаимосвязи традиционного начала и современных выразительных средств. Символично, что в цикле цитируются две классические (макомные) мелодии – «Тошкент ироқи» и «Тошкент уфори».

Таким образом, на каждом историческом этапе выявляются новые трактовки темы времен года, возникновение которых обусловлено индивидуальным замыслом, реализованном в определенном историко-стилевом контексте. Все вышеприведенные примеры по праву можно считать художественными открытиями композиторов различных национальных культур. Необходимо также подчеркнуть, что тема времен года как содержательная основа, особенно гибко укладывается в

¹ Цикл посвящен 2200-летию Ташкента.

различные жанровые виды (макроцикл концертов, оратория, балет, цикл фортепианных пьес, камерно-инструментальные и камерно-вокальные циклы, циклы для симфонического оркестра и циклы для оркестра народных инструментов), которые, в свою очередь, во многом определяют особенности ее трактовки. Интересно, что в каждом случае выбор жанра также в определенной степени продиктован особенностями стиля композитора.

На каждом историческом этапе времена года как одна из вечных тем в искусстве, удивительным образом репрезентирует специфику взаимодействия человека со средой своего обитания, проблематику социума и природы в художественном творчестве. Думается, что на рубеже третьего тысячелетия, когда реальная угроза экологического кризиса заставляет людей все чаще задумываться, с одной стороны, об уникальности внутреннего мира человека, а с другой, о хрупкости мира окружающей природы, тема времен года не утратила своей актуальности.

Н.С.Писчасова

*преподаватель Академического лицея
одарённых детей при ГКУз*

СЕМАНТИКА МУЗЫКИ

Проблема понимания языка музыки требует к себе внимания, так как это еще и проблема понимания культуры. Осмысление музыки с семантической точки зрения особенно актуально в наши дни. Проблематика человека и мира, субъекта и объекта, сознания и бытия, являющаяся центральной в философских учениях различных эпох, не может быть осмыслена без обращения к сфере музыкального искусства. От разрешения проблем онтологии музыки и ее средств отражения объективной и субъективной реальности зависят результаты конкретных исследований музыки. Наблюдающийся процесс повышения внимания к знакам, знаковым системам и символам в различных областях научного знания диктует обращение к теме семантики музыки. Исследование семантики в музыке, процесса символизации в ней является ответом на сложившуюся проблемную ситуацию в науке. Назрела необходимость выявить видовой смысл многогранного феномена музыкального символа, являющегося разновидностью художественного. В искусстве, как известно, особая роль принадлежит символам. Проблема символичности искусства возникла давно, интерес к ней наблюдается с древнейших времен. Музыкальное искусство наполнено тайнами и загадками, различными способами аспектов, связанных с центральной проблемой – освещением процесса символизации в музыке. Такими аспектами

являются: изучение фонологического содержания в основных понятиях музыкальной теории; рассмотрение элементов знаковой ситуации в музыке, определение специфики музыкального знака, знаковых систем и символа.

Актуальность темы несомненна, так как проблема выявления условий и механизмов превращения музыкального образа в символ еще далека от своего решения. Конечно, нельзя сказать, что символ не осмысливался в философской, эстетической и музыковедческой литературе. Однако подобное осмысление охватывало некоторые из аспектов столь сложного феномена как музыкальный символ. Данная проблема возникла в ситуации, сложившейся на современном этапе развития музыкознания, где устаревшая терминология не получила должной доработки. Отказ части исследователей музыки от рассмотрения процесса символизации вызван скорее отсутствием единого терминологического аппарата, нежели научными соображениями.

Ситуация кардинально изменится в сторону улучшения вследствие систематизации музыкальных категорий при помощи методов философского познания. Разумеется, есть обратная зависимость: философия, в частности, ее раздел о знаках, символах, обогатится от содружества с музыковедением. Для решения вышеназванных вопросов необходимо использовать достижения современной науки, консолидировать усилия философии, семиотики, психологии, языкознания в решении задач музыкознания, что позволит освободиться от путаницы, наблюдающейся в нем в настоящее время. Для этого все множество разрозненных исследований, так или иначе касающихся вопросов символизации музыкальных феноменов, требуется синтезировать в единую концепцию. Это разрешит проблемы, связанные с анализом процесса символотворчества в искусстве вообще и в музыке, в частности.

Итак, накоплен сравнительно обширный материал, требующий обобщения, систематизации и выявляется настоятельная потребность в освещении знаковой деятельности, включающей в себя процесс конструирования и потребления знаков. Вследствие чего назрела необходимость более детального анализа процесса семиозиса. Для этого представляется целесообразным рассмотреть каждого компонента в отдельности путем создания абстрактных моделей. Необходимо выявить роль музыкального знака – элемента знаковой системы, воспринимающего знак субъекта-интерпретатора, являющегося важным звеном знаковой ситуации, а также рассмотреть предмет музыкального отражения.

Философско-семиотический подход к музыке является перспективным, так как в наше время наблюдается процесс изучения музыки с позиций семиотики, которая обращается к музыке как к «типичному образцу художественного сообщения», рассматривая ее как пример «внесловесного сообщения». Это позволяет увидеть в языке

музыки коммуникативную систему, обладающую специфическим содержанием и возможностями передавать отображение мира в сознании посредством музыкальных образов. Музыка выражает богатый мир человеческих чувств, сущность человека с поразительным разнообразием и глубиной с помощью сложной системы знаков, эволюционирующих при определенных условиях в символы. В музыкальном искусстве наличествуют различные знаковые системы, среди них единичные знаки и знаковые системы, а также символы, являющиеся самым сложным из знакообразований. Важной методологической проблемой является поиск критерия, служащего для определения принадлежности символа музыкальному искусству. Не до конца понят механизм детерминации музыкального символа в разных исторических эпохах, традициях, стилях. Часто и много говорится о функциях, свойствах музыкального знака (реже символа), но не раскрывается его зависимость от изменений, происходящих в музыкальном искусстве. Представляется позитивным анализ соотношения инвариантных и уникальных черт, присущих музыкальному символу.

Спектр работ, посвященных специфике знака и символа как важнейших категорий семантики крайне разнообразен. Осмысление этих феноменов было начато в странах Древнего Востока, продолжено в античности (Платоном, Аристотелем). В дальнейшем знак и символ рассматривался в учении стоиков, где определялся как двусторонняя сущность, образованная отношением означающего и означаемого, в рамках эмпиризма и рационализма.

В немецкой классической философии проблемы знака, символа становится центральной в творчестве И.Канта, Г.В.Г.Гегеля, Ф.Шеллинга. Одним из первых немецких мыслителей, давших символу определение, близкое сегодняшнему его пониманию, был И.В.Гете: «Символика превращает явление в идею, идею в картину, но так, что идея в картине всегда остается бесконечно воздействующей и недостижимой и, даже будучи выражена на всех языках, все же остается несказуемой».¹ Здесь Гёте фиксирует две главные черты символа – он передаёт смысл в состоянии как бы незаконченном, допускающем разнообразные интерпретации, и переложение этого смысла носит динамический характер. Функция смысла – умножать то значение, которое вытекает из семантического анализа отдельных элементов языка.

Процесс создания музыки – явление чрезвычайно сложное, многоуровневое и сугубо индивидуальное у каждого художника. Размышляя о тайнах творческого процесса в музыке, Д. Смирнов отмечает: «Сочинение музыки, как правило, начинается с зарождения и

¹ Гёте И.В. Статьи и мысли об искусстве. –Л.-М., 1936. –С. 347.

формирования музыкальной идеи».¹ Возникая в сознании композитора, идея становится основой концепции сочинения и обуславливает выбор выразительных средств, жанра и стиля. Рождение музыкального сочинения обычно окружается ореолом таинственности, потому что в творческом процессе всегда есть нечто необъяснимое, не познавшее мое, какая то удивительная загадка, множество вопросов, требующих ответа.

Одним из самых интересных и притягательных вопросов изучения творчества композитора является содержание музыки, постижение её смысла и сущности. В этом отношении исследователю существенно помогают различные факторы: высказывания композитора, его мысли о музыке, переписка с исполнителями и издателями. Но важнейшее значение в раскрытии музыкального содержания, идеи сочинения имеют скрытые в нотном тексте знаки-символы, являющимися внутренним элементом, своего рода шифром, дающим ключ к истине смысла.

Семантика (греч. *semantikos* – обозначающий) – раздел музыкознания и логики, в котором исследуются проблемы, связанное со смыслом, значением и интерпретацией знаков и знаковых выражений. Музыкальная семантика начинается с осознания многомерности, смысловой множественности произведения, заданной многослойностью музыкальной ткани, каждый слой которой обладает собственной смысловой значимостью.

Слияние всех элементов, в некий общий смысл – в этом заключены семантические реалии любого музыкального произведения. Именно семантика заставляет осмыслить каждую деталь с целью вхождения в сущность содержания произведения, во все его глубины. Произведение предстает как система смысловых вибраций элементов его составляющих. С позиции семантики, в музыкальном произведении не существует промежуточных звучаний, которые не были бы втянуты в смысловое поле произведения. Центральным понятием в связи с этим является понятие знака, которому дается следующее определение: музыкальный знак – это выделенная по смыслу лексико-семантическая единица музыкального произведения, погруженная в определенный звуковой контекст.

Музыка выражает богатый мир человеческих чувств, сущность человека с поразительным разнообразием и глубиной с помощью сложной системы знаков, эволюционирующих при определенных условиях в символы. В музыкальном искусстве наличествуют различные знаковые системы, среди них единичные знаки и знаковые системы, а также символы, являющиеся самым сложными понятиями из знакообразований.

Понятие символа не поддается однозначному определению в силу своей сложности и многоплановости. Символ двуедин, диалектичен, он обращается и к логике, и к подсознанию. В символе содержится и

¹ Смирнов Д. О тайнах творческого процесса в музыке // Музыкальная академия; 2002, №2. –С. 39.

рефлексия знаков, и метафорическая спонтанность образа. Через символ духовное начало, абстрактное по своей природе, получает чувственно-конкретное выражение. Иначе говоря, символ является той связью, которая объединяет духовное с чувственным, абстрактное с конкретным. С.Аверинцев определяет его следующим образом: «Символ есть образ, взятый в аспекте своей знаковости, и знак, наделенный всей органичностью и неисчерпаемой многозначностью образа. Предметный образ и глубинный смысл выступают в структуре символа как два полюса, немислимые один без другого...

Переходя в символ, образ становится «прозрачным». Смысл «просвечивает» сквозь него, будучи дан именно как смысловая глубина, смысловая перспектива».¹ Кроме многозначности, важным свойством символа является большая его значимость, поднимающаяся до выражения самых сокровенных сакральных смыслов. Язык искусства – это язык символов.

Особое значение, вопросы кодирования приобретают в музыкальном искусстве. В связи с его непонятностью, звуковые шифры способствуют выявлению определенных смыслов, раскрытию семантических особенностей музыкального произведения. В исследовательской литературе используется различная терминология, связанная с шифровальными последованиями – энигма, криптограмма, анаграмма. Однако наибольшее распространение получил термин монограмма – разновидность музыкального шифра, представляющая собой буквенно-звуковой комплекс, составленный на основе личного имени.

Проблема понимания содержания музыки – сложный процесс. Её восприятие, как это очевидно, оказывается лишь необходимым условием данного процесса. Но столь же очевидным представляется факт, что собственно восприятием процесс понимания музыки никак не может быть ограничен. Постижение музыкального смысла продолжается и в течение многократного прослушивания, и подробного изучения музыкального текста, его исполнительского прочтения или музыковедческого его освоения. Очевидно, что музыку интерпретируют и композиторы, и исполнители, и музыковеды – ученые, критики, преподаватели; соприкасаясь с музыкальным текстом, они, подобно исполнителю, делают его смысл доступным для других.

Таким образом, смысл музыкального текста неисчерпаем, и потому понимание его тоже никогда не может быть исчерпывающе полным. Глубина постижения музыкального сочинения не имеет предела, и потому, процесс познания музыки бесконечен, а следовательно и семантический.

¹ Аверинцев С. Символ // Философский словарь. –М., 1983. –С. 607.

НАЖМИДДИН КАВКАБИЙ ВА УНИНГ «РИСОЛАИ МУСИҚИЙ» АСАРИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИ

Марказий Осиёда XVI-XVII асрлардаги мусиқанинг тараққиёти икки буюк санъаткор Нажмиддин Кавкабий (1473-1533) ва Дарвеш Али Чангий (XVII аср) номлари билан боғлиқ.

Нажмиддин Кавкабий ёшлигида астрономия билан шуғулланган. Алишер Навоий (1441-1501) «Мажолисун нафоис»да уни мунажжим сифатида тилга олади ва шоир сифатидаги битта байтини келтиради. Навоийнинг таъкидлашича, Кавкабий (Юлдузли) тахаллусини ҳам Нажмиддин астрономия билан шуғуллангани учун орттирган. Афсуски, Навоий бобомиз уни кўрганлиги ва учрашганлигини эслай олмаган, дўстлари унга Кавкабий билан учрашганлигини айтишган экан. Кавкабий Убайдуллохон (1533-1540) даврида Бухорога келади. 1533 йилда Кавкабий Бухорога бораётганида, Шох Тахмосп (1524-1576) томонидан, айтишларича, Шайбонийхон (1497-1510) ўлдирган шоир Бадриддин Ҳилолий (1470-1529) хуни эвазига шаҳид қилинган.

Кавкабий асосан мусиқада беназир санъаткор ва мусиқашунос сифатида танилган. Ундан насрда «Мусиқа рисоласи» ва назмда «Ўн икки мақом ҳақидаги рисола» каби Убайдуллохонга бағишлаб ёзилган асарлар мерос қолган.

Кавкабий мақомот тарихида Бухоро Шашмақом мактабининг устози сифатида эътироф этилади. У кейинги авлод мусиқашунослари томонидан Мавлоно Кавкабий Бухорий деб ифтихор этилди. XIX аср ўрталарида Бухорода номаълум муаллиф томонидан яратилган мусиқий рисолада «У ўз даврининг Ҳожа Абдулқодир эди» деб қайд этилади. Маълумки, Абдулқодир Мароғий (1353-1435) Амир Темур (1336-1405) ва унинг ўғли Шохрух (1405-1447) саройининг энг таниқли санъаткори эди. Абдурауф Фитрат (1886-1938) ҳам ушбу фикрни таъкидлаб: «Темурийлар даврида Ҳожа Абдулқодир Мароғийнинг мавқеи не чоғлиқ бўлса, ўзбек хонлари замонида Нажмиддин шу мартабадаги санъаткор бўлиб шуҳрат қозонган»лигини ёзади.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Нажмиддин Кавкабийнинг иккита асарининг ҳам нусхаси сақланади. Улардан бири (№ 468/IV) анча тўлиқ нусха, мусиқий усуллар («тан тан тананан» кўринишларида) қизил сиёҳ билан битилган. Кавкабий мазкур наср билан ёзилган рисоласи 12 фаслдан иборат. У қора сиёҳ билан, настаълиқ хатида Қўқон қоғозига китобат қилинган.

«Илми мусиқийнинг шарофати» деб номланувчи биринчи бобдаёқ бу санъатнинг уч устивор сифати руҳлар озуқаси (ғизоси), илоҳий сир ва ҳаётий эҳтиёж эканлиги исломий мафкура нуқтаи назаридан қисқа ва кўндаланг баён этилади. Рисола «Дарҳақиқат, мусиқий инсон руҳи чинакам баҳра оладиган шариф илм ва латиф санъатдир» – деган жумла ва ушбу фикрга қаратилган рубоий билан бошланади.

Рисоланинг айниқса 10-12 фасллари мусиқашунослик жиҳатидан жуда муҳим. Ўнинчи фаслда Кавкабий ўзигача бўлган мусиқий усулларни санаган бўлса, кейинги фаслда куй шакллари, қайси куйларни ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига тўхталади.

«Ўн икки мақом ҳақидаги рисола»сида Кавкабий тўрт байтда ўн икки мақом ва олти овоз (мусиқий туркум) номларини келтирганки, бу байтлар мумтоз Шашмақомнинг XIX асрдаги ижроларига ҳамда мусиқий рисолалар ва тазкираларга киритилган:

Зи Рост гар оҳанг мекуни ба Ҳижоз,
Зи Исфаҳон гузару жониби Ироқ андоз.
Ба ноқай Зангула дар пардаи Раҳовий банд,
Ба Бусалик Ҳусайний сифат барор овоз.
Машав Бузрук зи руйи ниёз Кучак бош,
Дар он мақом ба Ушшоқ бе Наво пардоз.
Гавашту Мояу Гардония чу бар хоний,
Навоз пардаи Наврўзи Салмаку Шаҳноз.
Ба гўши жон шинав аз Кавкабий кард адо,
Бар чор байт даху ду мақому шаш овоз.

Нажмиддин Кавкабий ўзбек мумтоз мусиқаси ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ мусиқашунослардан биридир. У санъаткор сифатида ҳам «Куллиёт» номли куйлар туркумини яратганки, бугунги куннинг баъзи бир мусиқашунослари томонидан бу «Шашмақом» деб ҳам эътироф этилмоқда. Унинг асарлари, илмий мероси шу жиҳатдан ўрганилишга муносиб.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ТАҲДИДИ

Бугунги биз яшаётган XXI аср, унинг қиёфаси, моҳияти ҳақида айни даврда турлича, бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар, қарашлар мавжуд. Кимдир уни ялпи ахборотлашув даври деса, баъзилар юксак технологиялар асри, баъзилар эса тафаккур асри деб изоҳламоқда. Янги асрда ҳар бир давлатнинг буюклиги ва қудратини тафаккур белгилайди, деган фикрларни билдирувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Лекин кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда.

Глобаллашув (глобализация) – лотинча «глоб» сўзидан олинган бўлиб, уни «думалоқлашув» деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, ер қуррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, қуррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади.

Ҳозирги даврда дунёнинг қайси чеккасида, қандай воқеа юз бермасин, зум ўтмай бутун инсониятга маълум бўлади. Биздан узоқ минтақа ва давлатларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб ҳам ўтирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонларидаги ҳаракатлар шунчалар тезки, энди аввалларидек бу воқеа биздан узоқда юз берибди, унинг бизга мутлақо алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.¹

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, унинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади. Унинг салбий томони шундан иборатки, кўплаб кичик, қолоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, урф-одат, анъаналари, тили, баъзи ҳолларда дини ҳам дунё бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётдан четга чиқиб қолмоқдалар.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ҳозирги даврда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучларнинг, марказларнинг манфаатларига хизмат қилувчи омилга айланиб бораётир.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., 2008. 111-б.

Алоқа воситаларининг ривожланиши, унинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, Интернет, космик теле-радио алоқа тизимлари техник-технологик воситаларининг кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, мафкуравий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиб бориши юқоридаги фикримизнинг исботидир. Глобаллашув асри бўлмиш ҳозирги давримизда ҳар хил мафкуравий таъсирлардан холи бўлиш имконсиздир. Бу хусусда Президентимиз Ислом Каримов қуйидаги фикрларни билдирган: «Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари, ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доим огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин»¹.

Бугунги кунда ёшларимиз матбуот, радио-телевидение, айниқса, Интернет орқали турли хил маълумот ва ахборотларни олмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ахборотдан ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилар, айниқса ёшлар онгини бошқариш мақсадида фойдаланувчилар учун етарли имкониятлар яратиб бермоқда. Катта нуфуз ва маблағга эга бўлган марказлар, сиёсий кучларнинг мафкуравий таъсир ўтказишга интилаётганларининг асл сабаби, мамлакатимизнинг бой табиий ресурсларга эгалиги, жуғрофий-сиёсий жихатдан қулай жойлашганлигидир. Бундай таъсирларга қарши курашишларнинг йўлларида бири – мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, ўз мустаҳкам фикрига эга бўлган, ёт ғояни қабул қилмайдиган комил инсонларни тарбиялашдир.

Глобаллашув жараёнида ёшларимизга ёт бўлган турмуш тарзини тиқиштириш, уларни ғарблаштиришга интилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу эса ўз навбатида миллатнинг ўзига хослигига, менталитетига, маданиятига, урф-одат ва анъаналарга, турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Собиқ коммунистик мафкурадан воз кечилганидан кейин, жамиятимизда ғоявий бўшлиқ муҳити юзага келди. Мана шу вазиятдан фойдаланиб, биз учун ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанликка ундовчи «оммавий маданият» кириб келди.

«Оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий тубанлик, бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм, космополитизм каби ғояларни тарқатиш орқали бойлик орттириш, бошқа халқларнинг асрлар давомида шаклланган кадриятлари, урф-одатлари, анъаналарига, турмуш тарзига, маънавиятига беписандлик, уларни йўқотишга қарши қаратилган таҳдидлар ётади.

Масалан, юқоридагилардан космополитизмга тушунча берадиган бўлсак (грекча «kosmopolites» – дунё фуқароси) – «жаҳон давлати»

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч, 113-б.

тузилишини ва жаҳон фуқаролигини тарғиб қилувчи таълимот. Космополитизм ғояси бўйича «Ватан» тушунчаси аҳамиятга эга эмас, инсонларнинг Ватанга боғланиб қолиши, шахс эркинликларининг чекланишига олиб келади, инсон қаерда қулай шароитларга эга бўлса, ўша ер Ватан. Бундай ғоя билан заҳарланиш эса одамларимиз, айниқса ёшларимиз маънавий камолотининг муҳим мезонига таҳдиддир. Бу ғоя ватансизлик ҳиссини шакллантиради.

«Оммавий маданият»нинг заминида энг аввало тижорат, моддий манфаатдорлик мавжуд. «Оммавий маданият»ни қўллаб-қувватлаб турувчи бу – бизнесдир. Бошқа давлатлардан олиб келаётган харидоргир товарларнинг ёнида ҳар доим муҳим сиёсий «маҳсулот», яъни ғоя бўлган.

Ҳозирги даврда 14 февралда «Валентин куни»ни нишонлаш урф бўлди. Шу куни ресторан, кафелар, дам олиш масканлари ёшларни байрам дастурига таклиф этади, хусусий радиостанциялар «севишганлар»ни табриклардан чарчамайди. Валентин ўзи ким? Нима учун уни туғилган кунини нишонлаш керак? деган саволлар туғилади албатта, лекин ёшларни бу саволлар қизиқтирмайди. Айни ўша куни буюк давлат арбоби, ёзувчи, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобир таваллуд топган. Лекин буни барча ёшларимиз, ҳаттоки катталар билади деб бўлмайди. Нафақат Ватанимиз, бутун жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган буюк аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк зотларнинг таваллуд топган кунлари, йиллари у ёқда турсин, уларнинг яшаган даврларини билмайдиганлар кўпчиликини ташкил этиши сўзсиз. «Валентин куни»ни нишонлашга эса моддий маблағ ажратамиз...

Телевидение орқали, кинотеатрларда намоёиш этилаётган баъзи фильмларнинг сюжети бошдан оёқ зўравонлик, беҳаёлик, ўлдириш, қўрқитишдан иборат. Бу жараён комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қуйган ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкин? Ёшлиқдан фарзандларимизнинг онги ва қалбида қандай фазилатларни шакллантириши мумкин?

Шаҳримиздаги болалар кўғирчоқ магазинларидан бирининг номи «Арсенал», яъни қурол-яроқ аслаҳалари. Сотиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми кўрқинчли, жангари фильмларнинг қаҳрамонлари, ҳарбий техника, совуқ қуроллар. Бирор бир мутасадди ташкилот, шахс бу хусусда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Асосийси хусусий магазиннинг очилиши, ундан тушадиган даромад...

«Оммавий маданият»нинг яна бир таъсири мусиқа соҳасида ҳам кўзга ташланади. Одамлар кўп йиғиладиган жойларда чет тилларда эшиттирилаётган баъзи ашулаларнинг маъно-мазмуни йўқ: «Сев мени, ўлдир мени, ёки ташлаб кет мени». Албатта севишганлар турмуш қуришади, турмуш кўрганлар эса фарзандларини камолини қуриш учун ҳаракат қилади. Бир-бирларига меҳр-оқибатли, садоқатли бўладилар. Юқоридаги ашуладан эса оила, унинг жипслиги, тотувлиги каби

қадриятларга паст назар билан қараш кузатилади ва ҳоказо. Дунё давлатларида бу жараён аллақачон ўз мевасини бериб бўлган. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқолиши, ахлоқсизлик, эгоцентризм, индивидуализм, бир жинсли никоҳлар умуман бизнинг менталитетимизга тўғри келмайди. Чет тилларни ўрганиш, янги ахборот технологияларини ўзлаштириш, бу албатта давр талаби, лекин бу унинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи бирдан-бир мезон эмас. Глобаллашув жараёнида биз ёшларимиз қалбида ва онгида асрлар давомида шаклланган барча фазилат ва қадриятларни сақлаб қолишимиз, бундан кейинги даврларда ҳам авлоддан-авлодга етказиб боришимиз зарур. Энг асосийси «оммавий маданият»га қарши курашда халқимиз қонига минг-минг йиллар давомида сингиб кетган иммунитетни янада ривожлантиришимиз шарт ва бу ҳаракатлар доимий тус олиши керак.

М.Р.Ақбарова

*ЎзДК тиллар кафедраси
катта ўқитувчиси*

ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ СЎЗ ЯСАШ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат бойлиги мунтазам равишда бойиб боради. Тил луғат бойлигининг ўсиб ёки кенгайиб боришига турли лингвистик ва экстралингвистик ҳодисалар сабаб бўлиши мумкин. Тилнинг луғат бойлигини ривожлантирувчи лингвистик омилларга тилнинг ички ривожланиши асосида пайдо бўлган янги сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар киради. Тилнинг сўз бойлигининг ўсишига таъсир этувчи экстралингвистик ҳодисаларга эса, тилга таъсир этиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳодисалар киради. Бундай ҳодисаларга, бир мамлакатнинг иккинчи мамлакат томонидан босиб олиниши туфайли босиб олувчилар тилининг босиб олинувчилар тилига таъсир ўтказиши (масалан, 1066 йилда Англиянинг нормандияликлар томонидан босиб олиниши туфайли ушбу мамлакатда маълум муддат француз тилининг ҳукмронлик қилиши натижасида инглиз тили таркибида бўлиб ўтган ўзгаришлар, ёки собиқ Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида иттифоқдош республикаларнинг миллий тилларига рус тили томонидан ўтказилган тазйиқ асосида миллий республикалар тиллари таркибида рўй берган ўзгаришлар, ёки араб истилоси ва ислом динининг келтирилиши натижасида ўзбек тилига кириб келган арабча сўзлар) мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мунтазам ривожланиб бориши натижасида бир тилдаги сўзларнинг иккинчи тилга кириб бориши (иқтисодий атамалар, тушунчалар масалан: банкротлик, кредиторлик) ва қайта истеъмолга киритилиб янгитдан ўз

ўрнини топган сўзлар (салоҳият, вазирлик, сармоя, мулкдор) мамлакатда рўй берадиган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли (масалан, рус тилидан кириб келган сиёсий ва ҳуқуқий атамалар (съезд, район, судлов, суд, прокурор) ва тушунчалар) пайдо бўладиган янги сўзлар ва бошқалар киради.

Тил луғат бойлигини ўстиришнинг лингвистик омиллари қаторига бевосита тилнинг ички қонуниятлари асосида пайдо бўладиган янги сўзлар, атамаларнинг яратилиши ва истеъмолга киритилиши орқали пайдо бўладиган тил бирликларидир. Бундай бирликлар, табиийки, сўз яшаш тизими орқали пайдо бўлади. Сўз яшаш тилнинг лексикология ва грамматика (морфология) деб аталган таркибий қисмлари ўртасидаги боғловчи восита сифатида пайдо бўлган бўлиб, у тилда янгитдан пайдо бўлаётган сўзларнинг табиатини, уларнинг яшалиш усуллари, тилда тарқалиш меъёрларини (маълум усулнинг сермахсул ёки кам махсул эканини) ўрганади. Сўз яшаш қонуниятлари ва унинг тизимини ўрганиш тилнинг бой ички имкониятларини ҳамда сўз яшаш истиқболларини белгилаб олишга ва орфография қонунларини ўрганишга йўл очиб беради. Ҳозирги сўз яшашда: морфологик усул, морфологик-синтактик усул, лексик-синтактик ва лексик-синтактик усуллар маълум. Қиёсланаётган тилларда ҳам ана шу усулларнинг кенг миқёсда қўлланилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Улар орасида кенг тарқалган усуллардан бири морфологик усулдир. Бунда сўзларнинг ўзак қисми (грекча *morphos* – шакл) асосий қурилиш материали бўлиб ҳисобланади. Янги маъно англатувчи қўшимчалар (аффикслар) эса ана шу ўзакка бириктирилади. Қиёсланаётган тилларда сўз яшашнинг қатор омиллари мавжудки, уларнинг ҳар бирига қисқача таъриф бериб, билдирилган фикрларни амалий мисоллар билан мустаҳкамлаб кетиш мақсадга мувофиқ туюлади. Бундай омиллар қаторига сўз яшашнинг **аффиксация (affixation), қўшма сўз яшаш (word composition), конверсия (conversion) ва аббревиация (abbreviation or shortening)** деб аталган усулларини киритиш мумкин.

Аффиксация сўз негизига суффикс (сўз ўзаги охирига қўшиладиган сўз ясовчи қўшимча)лар ва префикс (сўз негизи олдида қўшиладиган сўз ясовчи қўшимча)лар қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш воситаси бўлиб, бунда тилда мавжуд бўлган сўзларга сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали сўзнинг лексик маъноси ўзгартирилади ва янги маъно кашф этилади. Масалан, инглиз тилида келиб чиқиши нуқтаи назаридан унинг ўзига хос бўлган кенг тарқалган суффикслардан қуйидагиларни келтириш мумкин: **-ish**, (*childish, reddish*), **-dom** (*freedom, kingdom*), **-ful** (*beautiful, care-ful*), **-ness** (*ready-ness, fresh-ness*), **-less** (*careless, childless*), **-ship** (*friendship, relationship*), шунингдек префикслардан **be-** (*befriend, beware*), **mis-** (*mistake, misunderstand*), **un-** (*unknown, unproductive*) **fore-** (*foresee, foresay*) ва бошқалар. Бу суффикслар тарихан инглиз тилига мансуб бўлган қўшимчалардир. Лекин **-able** (*readable, understandable*), **-ment** (*disarmament,*

development), **-ation** (classification, ratification) **-ism** (socialism), **-ist** (scientist) суффикслари ҳамда **re-** (reunion, rebuild), **anti-** (antibiotics, anti-nuclear), **dis-** (dissatisfaction, disorderly) каби префикслар грек, лотин ва француз тилларидан кириб келган сўз ясовчи воситалардир. Қуйидаги қўшимча мисолларга ҳам эътибор беринг: **-hood** (child-hood, brother-hood), **-ism** (dogmat-ism, femin-ism), **-ation** (facination, translation), **-er** (teacher), **-or** (actor), **-ess** (waitress, tigress) ва бошқалар.

Ўзбек тилида кенг тарқалган (сермахсул сўз ясовчи қўшимчалар орасида **-чи** (иш-чи, кон-чи), **-лик** (озод-лик, тенг-лик), **-дош** (тенг-дош, йўл-дош), **-паз** (ош-паз), **-гар** (мис-гар, зар-гар), **-вул** (бако-вул), **-ғич** (қир-ғич, оч-қич) ва бошқалар. Тадқиқотчиларнинг ҳисоблашларича, инглиз тилида 67 та сўз ясовчи суффикслар қўлланилгани ҳолда, ўзбек тилида 171 та сўз ясовчи суффикс ишлатилар экан. Бундан кўришиб турибдики, ўзбек тилида сўз ясовчи қўшимчалар тизими анча ривожланган экан.

Қиёсланаётган тилларда кенг тарқалган сўз яшаш усулларида яна бири **конверсия** усули бўлиб бунда бир сўз туркуми ўзагидан иккинчи яна бир сўз туркуми ҳосил қилинади. Инглиз тилида морфологик кўрсаткичларнинг ўзбек тиличалик кенг тараққий этмагани боис, инглиз тилида конверсия усули орқали сўз яшаш кенг тарқалган усулдир. Масалан:

work - to work, paper - to paper, walk- to walk, paper - to paper, love - to love, wireless - to wireless.

Ўзбек тилида сўз ўзагига қўшиши мумкин бўлган суффиксларнинг кўплиги туфайли, инглиз тилидан фарқли ўлароқ конверсия усули билан сўз ҳосил қилинганда ҳам унга суффикс қўшилади. Масалан:

**арра – арра-ла-моқ, кўзи – кўзила-моқ,
кўз – кўз-ла-моқ, зўр – зўр-ла-моқ** кабилар.

Бу мисолларда отдан феъл ясалмоқда. Бироқ отдан ясалган ҳаракат номини ифодалаш учун от негизига буйруқ майлидаги феъл қўшимчаси **-ла** қўшилмоқда. Шу боис ўзбек тилидаги бу усулни аффиксал конверсия усули деб аташ ҳам мумкин. Сўз яшаш усулларида тадқиқ этган мутахассисларнинг айримлари конверсия усулини қўшимчаларсиз сўз яшаш воситаси деб ҳисоблайдилар.

Қиёсланаётган тиллардаги сўз яшаш усулларида яна бири **аббревиация**, яъни сўзларни қисқартириш (бир қисмини чилпиб ташлаш) орқали сўз яшашдир.

Маълумки, тилшуносликда «лингвистик тежамкорлик» (лингвистическая экономия) деган тушунча бор. Реал ҳаётда бўлганидек, инсон тилдан фойдаланиш жараёнида ҳам тежамкорлик тамойилидан унумли фойдаланади. Бу ҳол айниқса, инглиз ва рус тилларида кенг тарқалган. Шарқ тилларида, хусусан, туркий тилларда бу ҳол унчалик кенг тарқалган эмас. Инглиз тилидаги «**It is necessary that you should go home**» гапини «**It is necessary for you to go home**» тарзида ёки шунчаки тинловчига мурожаат қилиб, «**It is necessary to go**» тарзида

қисқартирилиши каби ҳоллар бу фикрни тасдиқлаши мумкин. Ёинки «**It is..., It has...**» ибораларини «**It's...**» тарзида, «**We will go**» гапини «**We'll go**» тарзида ишлатилиши ҳам бу ҳолни тасдиқлаши мумкин. Ана шу тамойил асосида мулоқот жараёнида сўзлар ҳам қисқартирилиши ва натижада янги сўз ҳосил бўлиши мумкин. Масалан:

1. UNO – the United Nations Organization, USA – the United States of America, UK – the United Kingdom, CIS – Commonwealth of Independent States;

2. lab – laboratory, prof – professor, Mr – Mister;

3 smog – smoke and fog, motel – motor hotel ва бошқалар. Бундай ҳолни рус тилидаги «ООН, США, ЦК, СНГ, военкомат» каби сўзларда ҳам кўриш мумкин. Бироқ ўзбек тилидаги МДХ – мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, АЁҚШ – автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси, каби сўзларда қандайдир нотабиийлик, бошқа тиллардаги ҳодисаларга сунъий тарзда тақлид қилишдек бир ғализ ҳодиса кузатилади. Агар ўзбек тилида яратилган классик асарларга, жумладан, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён», «Ўткан кунлар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навой» каби асарларига кўз югуртирсангиз, биронта ҳам қисқартма сўзга дуч келмайсиз. Демак, қисқартма усулда сўз ясаш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус тилининг тазйиқи остида ўзбек тилга ҳам кириб келди. Бу ҳолни «марказком, компартия, ВЛКСМ, комсомол» каби ҳозирда деярли муомаладан чиқиб кетган сўзларда кўришимиз мумкин.

Ниҳоят, сўз яшанинг сермаҳсул усулларидадан бўлмиш қўшма сўз ясаш (Word composition) усули қиёсланаётган ҳар иккала тил учун ҳам характерли бўлган усуллардан биридир. Бунда икки ўзак ёки негизнинг бир ўзакка ёки негизга бириктирилиши орқали янги маъноли сўзлар ясалади. Масалан:

Инглиз тилида: **week-end, office-management, postage-stamp, aircraft-carrier, shoe-maker, bottle-opener, school-master, horseracing, post office, headache, horseshoe, earthquake, screwdriver, sunset, etc.**

Ўзбек тилида: **бошпана, олтиариқ, гултожихўроз, беш панжа, гул қайчи, ошқовоқ, тўйхона ва бошқалар.**

Д.Т.Сагдуллаев
*иқтисод фанлари доктори,
ЎзДК ижтимоий-сиёсий фанлар
кафедраси профессори*
С.Д.Сагдуллаева
*Тошкент банк
коллежи ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида компьютер техникасидан самарали фойдаланиш энг долзарб муамоллардан бири ҳисобланади.

Ахборотларни ишлаш тизимларининг ривожланиши, уларнинг ташкилий ва молиявий мустақиллигининг кучайиши, электрон ҳисоблаш техникаси воситаларини эксплуатация қилиш имкониятларини ва қўллаш соҳаларининг кенгайиши, сақланаётган ва қайта ишлаётган ахборот ҳажмларининг ортиб бориши, иқтисодиётнинг янги соҳаси, ахборотлаштириш тармоғини вужудга келтирди.

Ушбу тармоқнинг бугунги кундаги ривожланиши тадбиркорлик фаолияти анъанавий турларининг бузилиши ва янги усулларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ахборот тармоғи тадбиркорлик фаолиятининг қарор топган инфратузилмаси билан бирга кўп тармоқли йирик комплекс кўринишидаги янги соҳадир. У бир томондан, банклар ва хоказо муассасалар қаторида инфратузилма тизимига киради, иккинчи томондан эса бизнеснинг мустақил соҳаси саналади.

Ахборотлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: молияни бошқариш ва ҳисоб юритиш, ишлаб чиқариш, маркетинг ва менежментни самарадор ташкил этишга ёрдам бериш.

Бозор ва унинг тузилмалари, товарларнинг нархи, уларга бўлган талаб ва тақлиф ҳақида аниқ маълумотларни олишга манфаатдордир.

Замонавий ишлаб чиқариш ва бизнесни ахборотсиз тасаввур этиш мушкул

Ахборотлаштириш соҳасини хўжалик ҳисоби тамойилларидан фойдаланиш орқали шакллантириш мумкин.

Хўжалик ҳисобининг интенсив усуллари ва шакллари ахборот ресурсларини тежаш имконини беради.

Бу усулларнинг энг самарадор турини танлаш ва улар ёрдамида ахборот тизимини такомиллаштириш иқтисодий хўжалик механизмини ривожлантиришнинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Бунинг учун ҳисоблаш ташкилотларинг фаолиятини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида уларнинг ҳар бир корхона, фирма, банк ва хоказолар фаолиятидаги ўрнини ўрганиш лозим.

Ахборот ҳисоблаш корxonанинг фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнинг бир қисми ҳисобланади, шунинг учун ахборотлаштиришнинг қуйидаги кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ресурсларнинг захираси;

- технологик жараёнларни амалга оширувчи ишлаб чиқариш фондларинг ҳолати,

- меҳнат ресурсларининг миқдори ва малакаларининг тавсифномалари.

Ҳисоблаш ташкилотларининг фаолиятини умумиктисодий таҳлил қилишда ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Буларга меҳнат унумдорлиги, фойда, даромад, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларни кўрсатиш мумкин.

Лекин бу кўрсаткичлар ахборотлаштириш корхонасининг техник-иқтисодий ҳолатини кўрсата олмайди.

Шу нуқтаи назардан ахборотлаштириш корхоналарининг маҳсус кўрсаткичлари мавжуд, уларга ҳисоблаш воситалари қувватлари кўрсаткичи, компьютер воситаларини самарали қўллаш коэффиценти, электрон ҳисоблаш воситалари билан таъминланиш проценти кўрсаткичларини қайд этиш мумкин.

Аммо миқдорий ва сифат ўзгаришларига қарамай, электрон ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳозирги давр талабига жавоб бермайди. Масалан кўпчилик корхоналарда компьютер воситалари мураккаб бўлмаган масалаларни ечиш билан банд бўлмоқда.

Қимматбаҳо ресурслардан, масалан, босқич қурилмасидан, босмаҳона воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Абонентларнинг масалалари тўғрисидаги тегишли хабарларнинг етарли ахборот ҳисоблаш хизматига бўлган талабининг оптимал ҳажмини шакллантира олмаяпти.

Натижада компьютер қимматбаҳо қурилмалари бекор туриб қолмоқда.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистонда 2000 йиллар бошида маҳсус ахборотлаштириш концепцияси ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтга келиб бу концепциянинг асосий вазифалари бажарилган бўлиб, фақатгина уларни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Масалан, ахборотлаштириш инфратузилмани биринчи босқичи тўлиқ яратилмаган, ахборотлаштиришнинг ҳуқуқлари тўлиқ қўлланилмаяпти, инновацион лойиҳаларни қўллаш даражаси паст, кенг оммада компьютер саводхонлиги юқори даражада эмас.

Бу камчиликлар бартараф этилгандан сўнг барча соҳаларда ҳисоблаш техникаларидан кенг қўламда фойдаланиш, ақл-идрок тизимлари ва интеллектуал ишлаб чиқаришни юксак даражада автоматлаштириш имконига эришилади.

Замонавий ахборот технологияларини корхоналар таркибига киритилиши ва қўйилган масалаларни ечимини топиш, дастурий таъминотга алоҳида эътибор беришни талаб қилади, чунки ахборот – нефть, газ фойдали қазилмалар ва бошқалар каби анъанавий моддий захира турлари каби жамиятнинг қимматли захираларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ахборотни аниқлиги, тўлиқлиги ва оперативлиги корхонада содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишни амалга оширади ва бу, ўз навбатида, қабул қилинадиган қарорларни самарасини оширади.

Корхоналарда автоматлаштирилган тизимларни тадбиқ этилиши қуйидаги масалаларни хал қилишга кўмак беради:

- корхонанинг молиявий фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш;
- корхона бошқарувини самарасини ошириш;
- корхона бўлимлари орасида мунтазам алоқани таъминлаш;
- бир хилдаги ишларни автоматлаштириб интеллектуал имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш.

Ушбу масалаларни хал қилиш корхона бошқарувини оптималлаштириш ва кам харажат билан содир бўлаётган ахборот жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имкониятини беради.

Ҳозирги вақтда кенг қўлланиладиган бухгалтерия ишларини автоматлаштириш жараёни замонавий корхонани автоматлаштириш принципларидан анча фарқ қилади.

Чунки бухгалтерия ҳисобида бажараладиган ишлар аниқ қонунларга асосланган бўлиб, корхона бухгалтерия бўлимини ишини автоматлаштиришга қаратилган. Корхонани бошқарув жараёни эса аниқ бир детерминант жараён эмас.

Биринчи навбатда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумот жамлаш зарур бўлади ва ушбу маълумотлар таҳлил қилиниши лозим.

Жамланадиган маълумотлар нафақат содир бўлаётган жараёнларни, балки келгусида содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларни таҳлил ва назорат қилиш қобилятига эга бўлиши талаб қилинади.

Ҳозирги кунда кўпгина корхоналар автоматлаштирилган тизимларни ҳаётга тадбиқ қилиш имкониятига эга эмас.

Бунинг сабаблари:

- бошқарув тизимидаги жараёнларнинг ўзгариб бориши;
- иқтисодда содир бўладиган туб ўзгаришлар натижаси
- корхоналараро информацион тизимларни жорий этишдаги қийинчиликлар;

- юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги.

Информацион тизимлар юқори технологик соҳа бўлиб, ушбу тизимларни ишлаб чиқиш ва уни фаолият кўрсатишини таъминлаш юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни талаб этади.

Бу тизимларни самарадор ишлашини таъминлаш, корхонадаги тажрибали дастурчиларсиз амалга оширилиши, ҳозирги кунда умуман мумкин эмас.

Шу муносабат билан республикамиз шароитида ишлаб чиқилган ва кенг тадбиқ этилган банклараро информацион тизими алоҳида эътиборга лойиқ.

Ушбу тизимни ташкил қилиш учун деярлик барча халқ хўжалик соҳаларидан мутахассисларни жалб қилишга мажбур бўлинди.

Аммо бошқа соҳаларда информацион тизимларни яратиш лойиҳалари йирик муаммоларни вужудга келтиради.

Биринчи ўринда, бу моддий техник базани яратиш билан боғлиқ. Замонавий компьютерларнинг программа таъминоти хар уч йилда тубдан ўзгаради ва бу компьютерларни қайта жиҳозлашни талаб қилади.

Бундай ишларни олиб борадиган ташкилотлар мамлакатимизда жуда кам, деярли йўқ.

Иккинчи томондан, информацион тизимлар катта ҳажмда маблағлар талаб қиладилар.

Ҳозирда фаолият кўрсатаётган телекоммуникация тизимлари энг қиммат соҳалардан ҳисобланади.

Учинчидан, бошқарув фаолиятини формал масалаларга келтириш муаммосини ҳал қилиш зарур.

Бунинг учун нафақат программа тузувчи балки бошқарув фаолиятининг моҳиятини тушунадиган мутухассислар зарур.

Шу сингари салбий оқибатлар олдини олиш мақсадида биз замонавий маркетинг коммуникацияларини интеграциялаш стратегиясидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Маркетинг коммуникацияларининг интеграцияси – бу маркетинг коммуникацияларини режалаштириш концепцияси бўлиб, у турли коммуникация йуналишларининг стратегик аҳамиятини баҳоловчи ва уларни дискрет хабарларни мувофиқлаштириш орқали аниқлик, бирхиллик ва максимум таъсирга эришиш учун бирлаштирувчи умумий режадир.

Ўзбекистон шароитида ишлаётган корхоналарда маркетинг коммуникация ларини ривожлантириш ва интеграциялаш стратегияси, қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилиши тавсия этилади:

- коммуникация мақсадларини аниқлаш;
- коммуникация воситалар комплекси ахборотлари таркибини мувофиқлаштириш;

